



Сарвар Самандарович дарвоза очилишини кутиб турарди.

Икки каватли дангиллама унинг темир дарвозаси жуда бахайбат эди. Эшик очилавермагач, машинадан тушишга мажбур бўлди. Дарвоза табакаларини бирма-бир итараркан, шиппакларини шапиллатиб хотини келаётганини эшитди.

- Ўглинг хали ҳам келмадими – деди у хотинига карамай.

- Йўк.

Сарвар Самандарович машинани ичкарига олиб кирди. Сўнгра сўрига ёнбошлади. Чой кўтариб келган хотини, чойнакни бир четга кўйди-да, хонтахтанинг чанг босганидан хижолат бўлиб, арта бошлади.

- Мехрнинг нархи канча туришини биласанми? Унинг нархи машинадан ҳам, мана шу уйдан ҳам киммат тураркан. Мехрнинг нархи ота-онадан ҳам кимматроқ экан. Биз ўглингга ҳамма нарсани бердик. Машина ҳам, мана шу уй ҳам ўглингники эди. Лекин унга мехр бермаганлигимиз учун, у хаммасини ташлаб, бу уйдан чикиб кетди.

- Йўк, биз тарбия бермадик.

- Яна янглишяпсан хотин. Биз унга мехр бермадик. Нахотки, шунча жанжалдан кейин ҳам шуни англамаган бўлсанг. Энди бас, шовкин-сурон кўтарма. Хакикатнинг юзига тик карайдиган пайт келди. Хеч кимни айблаётганим йўк. Ўглингни ҳам, келинингни ҳам, сени ҳам.

Сарвар Самандарович бироз тин олдида, юзини терс ўгирди: - Биз боши берк кўчага кириб колдик.

\* \* \*

Куй-кўшик авжида эди. Эстрада юлдузининг тугилган кунига мамлакатнинг нуфузли аёнлари йигилганди. Назардан бироз четда колган Шохрухга, шохона зиёфатнинг инжа таманнолари, киборона нашъу-намолари завк багишламай кўйди. Юраги сикилиб, кетишга тараддудланди. Унинг йўлини кесиб чиккан Исфандиёр, кўлидан махкам тутиб, кўшни стол сари етаклади. Унда дугоналаридан ажралиб, биргина киз ўтирарди.

- Салом, яхшилар! Бу киши Шохрух Султонов. Ёшлар орасида энг зўр режиссёрлардан. Бу хоним дебъютант киноактриса Забаржад Зокирова. Албатта гойибдан, бир-бирларингни танийсизлар, мен эса учраштирдим, холос.

- Салом, яхшимисиз!

- Салом!

- Якинда, кайсидир кино дубляжида овозингизни эшитгандим.

- Ха, - деди киз кошларини чимириб. Сўнгра ёнига худди хизматкори келгандай сўради. - Театрда нима гаплар?

- Тинчлик.

- Нега шовкин - сурон эмас.

- Шовкин кимга ёқади, галва кўтаришга токатим йўк.

Ташаббус жазосиз колмайди.

- Аскар ухляпти, хизмат ўтаяпти, денг – деди киз голибона.
- Сафимизга келинг. Ухлаш хам катта махорат.
- Агар Жанна Дарк ролини талаб килсамчи?
- Жанна Дарк бизда кўйилмаётганига анча бўлган.
- Давлатнинг ойлигини олиб, канадай семиришнинг вақти тугади деб жар солмайсиз-ми?
- Хеч ким семиргани йўқ. Ўзимнинг хам, бой бўлиб болтам йўқ, камбагал бўлиб халтам.
- Барибир, нимадир килиш керак. Бошка театрлар ишляпти-ю. Котиб қолишнинг хузурбахшлиги сизнинг кийёфангизга ярашмас экан.
- Илтимос. Ярамни тирнаманг. Маиший мавзуларнинг бадбўй хиди шу қадар жонимга теккан-ки, гохи ўзим кўяётган спектаклларнинг бўм-бўш можароларидан кўнглим ағдарилай дейди.
- Одамларнинг кўнгли ағдарилиб бўлган.
- Сиз менга ортикча баҳо бераяпсиз. Мен кимман? Кўлимдан нима келади? Мен бўлмасам хам театр кам-кўстсиз ишлайверади. Бу дунёда ҳамма актёр. Юринг, яхшиси ўйнаймиз. Битимиз бир тўкилсин!

\* \* \*

Шохрух эрталаб чўчиб уйгонди. Лаблари аламли пичирларди: «Истамайман, истамайман, истамайман! Нахотки яхши кўриб қолган бўлсам. Йўқ, керакмас, керакмас! Э, Худо...»

Улар бугун кўришишлари керак эди. Забаржад театрга соат учларга яқин келди.

Шохрух унинг кўлига сценарий тутди.

- Нажиб Махфузнинг «Родопис» асари. Родопис образини талкин қилиб кўринг-чи...
- Асар нима ҳақда?
- Махенра ва сохибжамол раққоса Родопис хақида: Ёш ва навқирон Махенра тахтга ўтираркан, кунларнинг бирида самода учиб юрган бургут, унинг оёқлари остига, дуру-жавохирлар билан зийнатланган бир шиппакни олиб келиб ташлайди. гойибдан юборилган бу ишоратнинг не сир-синоати бор эканлигига кизиккан шахзода мафтункор Родопис яшовчи қалъага йўл олади ва қаршида гўзалликнинг мислсиз тимсолини кўриб...

Шу пайт Забаржаднинг кўл телефони чирллаб қолди.

- Алё, ҳа театрдаман. Гапни кўпайтирмай, олиб кетади одам деган... Ҳа, ўн беш минутдан кейин чиқаман. Ҳа, давом эттираверинг... Кечирасиз.
  - Давом этмайман. Энди, хонамга телефонни ўчириб қиринг.
- Бу ер сиз учрашув белгилайдиган жой эмас.
- Вой-бў ўкам-у – дея Забаржад лабини чўччайтирди.
  - Укага истигно оҳанги билан гапиришмайди.
  - Шунақа гапириш мавриди эди.
  - Мен ёлгонни ёмон кўраман.
  - Кейин нима бўлди?
  - Учрашувни бекор қилсангиз айтаман.
  - Йўқ, кетишим керак.
  - Агар сиз ,, агар сиз кўзимга яхши кўринмаганингизда бу қилигингиз учун ҳеч қачон кечирмаган бўлардим. Тўппончам бўлса...
  - Ҳа. Ана сахнада тўппонча пайдо бўлди. Станиславский назарияси бўйича, спектакл

давомида энди у отилиши керак. Ха, илтимос у отилганда хакикий отилсин. Ўк ўрнига пахта отилиб чикмасин. Ўк товуши ўрнига мусика чалинмасин. Хўш, сиз мени кайси спектаклга чакираяпсиз ўзи? Ижодингизда Родопис бўлишим керакми? Ё хаётингизда? Очик айтаверинг. Мен хаммасини ижро этавераман. Мен бор махоратимни аямайман.

- Аввал асарни ўкиб кўринг. Катта кетманг. Хали синовдан ўтасизми, йўкми Худо пошшо...

- Хошишингиз... Фармон сиздан ижро биздан. Хўп, хайр.

\* \* \*

Шохрух бир хафтадан буён телефон килмагани учун Мохичехранинг кўзларига ёш тўлди. Бир хафтадан буён аламли бир хакикат аён бўлиб бораётганди. Авваллари Шохрух унга кунда бир, икки телефон килар, гоҳо хар соатда холидан хабар олар, шунчаки хам валаклашиб ўтирарди. Телефон килмаётгани ундан воз кечганидан далолат эди. Изохлашнинг, нега, нега, нега деган савол-жавобларнинг хожати йўк эди. Шундай бўлсада, аёллигига борди. Багрикенглик килди. Телефон гўшагини кўтарди.

- Алё, Шохрух ака, яхшимисиз?

- Ха, Мохи, калайсиз?

- Кўринмайсиз? (ичида ўз саволига ўзи жавоб айтиб ўтирарди: Янги ёр топилганда эскисидан кечмок керак).

- Э, бироз ишларим кўпайиб кетди. (Кўринмайсиз эмас, Родопис ролини таклиф этмокчи бўлиб юрувдингиз, нега индамай кетдингиз).

- Ха, мен ўйлабман, биздан билиб-билмай бироз хатолик ўтган бўлса, кечирим сўраб кўйсаммикан. (Ишларим кўпайиб кетганмиш! Керак бўлса Олий Мажлис кенгашини ташлаб келардингиз-у, дангалини айтиб кўя колсада эркак деган).

- Э, хато сизда нима килади? Онангиз хам сизни бетохорат эмизмаган (Родопис ролига нега раво кўрмаяпсиз демокчи. Уни сенга берсам, исёнкор мухаббат маъбудаси эмас, хис-туйгуларга кул бўлган ва шу сабабли Моренрани халокатга учратган фохиша киёфасини яратиб берасанми? Рахмат, керак эмас).

- Бугун кечкурун спектаклим бор эди. Хафсалам бўлмай турибди. (Спектаклдан кейин бўшман, сиз нима килмокчисиз, Шохрух ака. Бир илик сўз айтсангиз-чи, кучимга куч, гайратимга гайрат кўшиб жўштирадиган. Шунчаям интик киласизми?)

- Мениям негадир хафсалам йўк. (Энди кармогинга илиниб бўпман. Чакирсанг хам бормайман.) Бўпти, бўлмаса. Сал ишларим саранжом бўлсин, ўзим телефон киларман. (Керак бўлсанг, ўзим топиб оламан. Хадеб телефон килиб, жигимга тегма.)

- Бўпти. Хайр, Яхши ишланг! (Нозу-карашмани сал оширишим керак шекилли, унча-мунча гап таъсир килмаяпти. Хали кўрамиз, бир югуртирай, ўзинг келиб, оёгим тагига ётиб оласан.)

- Бўпти. (Хайрият, осонликча кутулдим. Бу билан хисоб китобимиз охирлаб колган кўринади. Вакт – олий малхам. Кунлар ўтиб, хаммаси унутилиб кетади. Хафа бўлма, Мохичехра).

---

\* \* \*

Сарвар Самандарович машинасини дарвоза тагига тўхтатди-да, сигнални босди. Тўгриси, шу кадар чарчаган, холдан тойган эди-ки, машинасини кўчада колдириб,

киришга ҳам тайёр эди. Бирок, ўзига Худодан озгина сабр сўраб турди. Бироздан сўнг, улкан темир дарвозани бир неча кулфларини шараклатиб, дарвоза ёнида хотини пайдо бўлди.

- Ўглинг, телефон килмадимми? – сўради Сарвар Самандарович, сўрига ёнбошларкан.

Ховли ўртасида фаввора сув сачратиб, шовкин солар, палма дарахтининг улкан барглари, салкин шабадада силкинарди. Икки каватли бахайбат уйнинг фавворалари канчалик баланд отилмасин, шамол осмондан куч билан тушмаса, хаво айланмасди.

- Йўк, – деди хотини.

- Нима, энди кайтиб келмасмикан?

- Кайнанаси, биттаю битта кизим, шу уйда яшайверинглар, деганмиш.

- Нима, мени ўглим иккитами? Ё яшириб қўйган, яна бир иккита болам борми? Бу уйларни ким учун солганман ахир?! Фалончини ўгли, хотининикига кетиб қолибди деган иснодга колдим-ку?

- Бу гапларни урмасдан олдин ўйланг эди.

- Энди ўз боламини уролмайманми?

- Бу гапларни ёшлигида айтиш керак эди. Энди суяги котиб кулогига гап кирмайдиган пайтда, айтганингиз бефойда.

- Болалигида бола дедик, битта бола деб, кош-ковогига карадик. Мана окибати.

Хаммасига сен айбдорсан. Яна битта тугсанг, ўлиб колмасдинг.

- Кон босимим бор. Баъзиларнинг битта боласи ўнта боладан афзал. Худо, берадиганини битта боланинг оркасидан ҳам бераверади.

- Агар иккита бўлганда биттаси кетса, иккинчиси суянчик бўларди.

- Шу пайтгача каерда эдингиз, хой мард бола. Шу пайтгача ўйнашлардан бўшаганингиз йўк-ку?! Мен, кон босимим бор деб важ кўрсатган эканман, нега мени дўхтирга олиб бориб тузатмадингиз. Ёшим киркдан ошиб, элликка кетаётганида сизга энди бола керак бўлиб колдимми? Энди тугсам, бу бола йигирма йилда катта бўлиб олтишдан ошганимда менга нима каромат кўрсатиб беради.

- Бу гапни сенга ўн беш йилдан бери айтаман. Гапга кулок солмайсан.

- Менга айтишингиз эмас, шу ишни килишингиз керак эди. Сиз аксинча, мендан аразлаб, кўчада ялло килиб юрдингиз. Мана энди бошимиз деворга «так» этиб урилгандан сўнг, хамма айбни менга тўнкаяписиз. Мен кимман, мен сизнинг соянгизман холос. Ўзингиз тўгри бўлганингизда соянгизни эгрилигидан кўркмасдингиз.

- Ўглингга телефон кил, кайтиб келсин.

- Келади, келмай каёкка боради. Хозир унга хотинининг гапи гап, сўзи сўз бўлиб турибди. Бир икки кун ўтсин, хотини бир хунарлар кўрсатсин.., Сарвар Самандарович хотини келтирган овкатдан истамайгина, чўкилиб-чўкилаб еди. У пархез харакатида юрарди. Семириб кетишни ёктирмасди. Аникроги, унинг атрофидаги одамлар, унинг семириб кетишини ёктирмасди. Сарвар Самандарович келишган, хушмуомала, хаётда жуда кўп одамлар билан мулокотда бўлгани, доимо яхшилик умидида яшаб, огир меҳнатдан сира бўйин товламагни учун, хамма билан чиқишиб кетар, хаёти хам кам-кўстсиз, фаровон кечарди. Театрдан ташкари хам, Тошкентда, Самаркандда, Андижонда шахсий фирмалари, дўконлари бор эди. Даромад ўшалар тарафидан келар, театрдаги рахбарлиги, обрўси дўконлар ишини юргазишга хизмат киларди. Лекин, Худо бандасининг хамма ишини тўла-тўқис уюб ташламас, албатта бир томонини кемтик килиб қўяр экан. Сарвар Самандарович, серфарзанд оилада ўсди. Ўзи хам серфарзанд бўлишни истаган эди. Бирок хотини битта туккандан кейин, тугишни оркага солиб

юраверди. Кейин, кейин «кон босимим бор» деган важ карсон топди. Кейин-кейин, энди каридик, шу битта фарзанд етади деб туриб олди. Сарвар Самандарович эса бекитикча яна уйланишни ният килиб юраверди. Хашакдан ўтин чикмас, ўйнашдан хотин чикмас деганларидек, ўйнашлар бири келиб, бири кетар, у эса уларнинг ичидан жиддий ўйлаб кўришга арзийдиганини ахтарарди.

\* \* \*

Шохрух таништириш ва у бош ролда ўйнашига изн сўраш учун Забаржадни Сарвар Самандаровичнинг олдига олиб кирди.

- Шунака денг. Хўш, Забаржадхон малика ролини ўйнай оласизми?

- Хаётда ҳеч малика бўлмаганман. Кўлимдан келмаса керак.

- Агар малика бўлганингизда сизни роль ўйнаш учун чакиришга хаддимиз сигмасди. 15 асрда яшаганингизда эса чакиришга янада кийналардик.

- Хафа бўлманг, мен маликалик даъво килаётганим йўк.

Бор-йўги роль сўраяпман холос.

- Албатта рухсат бераман. Ҳеч кайси маликадан кам жойингиз йўк. Одамлар сизни хакикий «Родопис» дея қабул қилишларига ҳам ишонаман. Аслини олганда бу асар Шох Моренра ва Родопис хақида эмас, сўнмас мухаббат хақидаги кўшиқдир. Чин севгининг қисмати шундай. Одамлар келиб-кетаверади. Аммо хакикий мухаббат асрлар оша яшайверади.

- Мен ҳам шундай сўнмас мухаббатни яратишга ҳаракат қиламан, Сарвар Самандарович.

- Марҳамат, сахна сизники.

\* \* \*

Орадан бир ойларга яқин вақт ўтди. Спектакл машқлари жараёнида Забаржад Родопис образини Шохрухнинг кўнглидагидай қойилмаком қилиб ижро этди. Бу ролга даъвогар бўлган Мохичехранинг ҳам, Гулбаданнинг ҳам талқинлари ўтмади. Забаржад бу образи орқали Моренра образини ижобийлаштириб юборган эди. Моренра хакикий мухаббат қурбони, қахрамони эди. Родописни бутун жон-жаҳони билан севиб қолган ҳукмдор Моренра салтанат юмушларини, тожу-тахт сиёсатини унутиб, ўзини мухаббат изнига ташлаб, Родопис учун қаср қурдира бошлади. Бундан даргазаб бўлган қохинлар галаён кўтаришади. Моренра мардларча исёнқорларга пешвоз чиқади ва ҳалок бўлади.

Мохичехра талқинидаги Моренра, маишатга берилган, кайфу-сафо, хирсу-хавас туфайли салтанат ихтиёрини ҳокимлар қўлига топшириб қўйган ва сармаст қолди, хақиқатталаб жафоқашлар тигига дучор бўлган бевурд шох образи эди.

Гулбадан талқинидаги Моренра эса, ўзини нима қилаётганини билмайдиган, авваллари аёл қучогидан баҳраманд бўлмагани учун, раққоса Родопис тузогига тушиб қолиб, ўзини қўярга жой тополмай, даргазаб ивogarларнинг зугуми туфайли захарли тигга ўзини урган шўрлик шох образи эди.

Асар сюжети ҳам, сўзлари ҳам заррача ўзгартирилмаган, асл қолида қолганди. Фақат талқин этиш, сўзларга жило бериш, оханг ва шиддат бағишлаш, жон қиритиб ижро этиш ўзгарганди холос. Бу образга ҳамма ўз нуқтаи назаридан ёндошганди.

\* \* \*

Сўнгги бош репетиция ҳам муваффақиятли ўтди. Эртага премьераси. Шохрух имкон топиб

Забаржаднинг кулогига пичирлади:

- Бугун сизни кузатиб кўяман!

Улар Забаржад яшайдиган кўча бошига етишганда, кун алламахал бўлиб колган, кўчада одамлар сийраклашган, чанг-тўзон, шовкин-сурон тинганди.

Шохрух энгашиб Забаржаднинг кўлидан ўпди, сўнг багрига тортди.

- Хамма актрисаларингиз билан шундай хайрлашасизми?

- Йўк.

- Ким сизга бу хукукни берди?

- Сизни яхши кўраман. Шунинг учун ўпишга ҳақким бор деб ўйлайман.

- Яхши кўришингиз сизга яна канака хукукларни беради, билсак бўладими?

- Сиз мени яхши кўрмайсизми?

- Йўк, яхши кўрмайман. Мен сизни билмайман. Сиз мен учун мавҳум одамсиз.

Танишганимизга ҳам бор-йўги бир ой бўлди.

- Бир пайтлар бир кўшик бўларди:

Мен кетганда анча ёш эдинг,

Богбон кизи гуллар эркаси.

Мана энди ойдек тўлибсан,

Хаёлимнинг эй арзандаси.

Хаёлимда болалиқдан бирга ўсгандаймиз. Бирга улгайгандаймиз. Кейин бир, икки ой бир-биримиздан узокда юрганмиз-у, яна кўришиб тургандаймиз. Мен, ўзимнинг кадрдон ва жонажон дўстимни топиб олгандайман.

- Хотиржам бўлаверинг. Мен болалигимда ҳеч сизга ўхшаган дўстга йўликмаганман.

- Забаржад... - Шохрух Забаржадни кучоклашга уринди:

Забаржад. Менга каранг.

- Хўш, нима дейсиз?

- Сизни яхши кўраман!

- Нима бўпти? Кизик экансиз. Бу сўз мен учун ҳеч нарсани англамайди. Ё шу гапни айтганингиз учун сизни яхши кўриб қолайми?

- Забаржад, туйгуларимни ҳақоратламанг.

- Сиз, ҳақоратламанг. Мен нима десангиз жим тураверадиган кўгирчок эмасман.

- Ҳеч бўлмаса, кетишимдан олдин бир огиз ширин сўз айтинг.

- Яхши боринг.

- Шуми?

- Шу. Майли кечирдим. Агар, спектаклда рол берганим учун,

кучоклашга ҳақким бор деганингизда, кечирмасдим. Харкалай, ўраб гапирдингиз-ку!

- Фаросатингиз, шунга етганига раҳмат!

- Яхши колинг. Хайр!

Шохрух то Забаржад уйга кириб кетгунча караб турди.

Сўнгра чўнтагидан машина калитини излай бошлади.

\* \* \*

Мохичехра чуқур кайгуга чўкиб ўтирарди. Шохрухни ўзига қаратмокчи эди, бўлмади. Агар йўлини килсам, унга тегиб оламан деб, умид килганди, каердандир Забаржад пайдо

бўлди-ю, харакатлари зое кетди. Умид ва иккиланишлар, гумон ва мухаббат алангасида икки йиллик умри ўтди. Бу икки йил киз боланинг айна гуллайдиган ўн саккиз, йигирма икки, колаверса йигирма тўртга тўладиган киска даври учун, жуда катта муддат эди. У мана шу жуда киска муддатнинг икки йилини Шохрухга багишлади ва охир-окибат, Шохрухнинг хаётида Забаржад пайдо бўлди-ю, ундан курук колди. Хатто унга насиб этиши керак бўлган, бош рол хам, ундан киялаб ўтиб, Забаржадда тўхтади. Унга эса канизак роли тегди. Мана у сахнада Забаржадга канизаклик килади. Хаётда эса ундан хам баттар, мағлуб бўлган маъшука. Газеталар хам театр сахнасида Забаржад Зокирова деган янги юлдуз пайдо бўлганлиги хакида тинмай ёзиб ётибди. Унинг канизак ролини ўйнашга рози бўлганлиги хам Шохрухдан умидини узмаганлиги туфайли эди. Харкалай узоклашиб кетгандан кўра кўз-кўзга тушиб тургани яхши-да.

Мохичехра ойнага караркан, унинг аксидаги сохибжамолни кўриб: «Э, бу Шохрух деганнинг кўзи кўрми-я» - деб юборди.

Мохичехра ўз коматига ўзининг суки келиб, ойна атрофида гир-гир айланиб, ошифта бўларкан, телефон кўнгиругидан чўчиб тушди.

- Алё.

- Алё, Мохи,,,

- О, Сарвар Самандарович! Хайрият, хайрият, бехато нишонга олувчи назарингиз ён дафтарингиздаги тўтигуллар рўйхатидан ортиб, бизга кадалганидан бехад бахтиёрман.

- Бўлди, бас кил. Давлатнинг жуни билан ўзингни жунингни аралаштирма. Биласан ишли одамман. Бош каший деб бошимни, ош ошай деб огзимни тополмайман. Сени хам туну-кун менга кўзингни кадаб турган жойинг йўқдир.

- Сарвар ака, мен бўлмасам хам буни куни ойдаё ўтаверади деб ўйлайсизда-а?

- Кунингиз менсиз, нафакат ойдаё ўтади, куёшдай ёруг ўтаверади.

- Кўйсангиз-чи, сизсиз ўтган куним курсин. Маймунлар хам холимга йигламай кўйган, ўзим уларнинг олдига бориб, хўнг-хўнг йиглаб келаяпман.

- Олдингизга, бугун бир маймун борса, кабул киласизми?

- Кўз ёшимни артишгами ёки сочимни силаб, ўйнашгами?

- Ўйнашга. Очинг эшигингизни.

Мохичехра югуриб бориб эшикни очди. Ташкарида кулогига кўл телефонини кўйиб, Сарвар Самандарович турарди

- Вой, келинг, шунча гапни кўчада айтиш шартмиди?

- Бу ерга келганда лабларим лаззатли юмушга тушиб кетади, эсим огиб гап тополмай сармаст бўламан.

- Вой бў, кўрамыз неча марта сармаст бўларкансиз.

Мохичехранинг гамзаси юракни ўртаб юборарди.

- Бу, сизни махоратингизга боғлик-да.

- Бизда хеч ёмони бўлмаган.

- Ўзингизни эхтиёт килинг, очкўз эшак тўрва тешар. Сарвар Самандарович костюм, галстукларини ечаркан, Мохицехрани багрига босиб, эркалай бошлайди. Узок ўпичдан сўнг, Мохицехра унинг кучогидан силтаниб, нари сурилди.

- Мен сизга ётганда яхшиман, бошка пайт ёмонман, шундайми?

- Ха, яна нима бўлди?

- Театр рахбарисиз. Бир огиз айтганингизда менга бош ролни беришарди. Кўчадан келган анови киз, театрда ишламай туриб, э йўк, бе йўк, бош ролни илиб кетди. Мен бурнимни тишлаб колдим. Сиз нима бўлаётганига карамайсиз хам. Шохрух Султонов

бўлса бугунги замонда шахватпараст шохлар хакида спектакл кўйиб юрибди. Хозир шу керакми? Нима демокчи, нималарга ишорат килапти? Шунча йил театр остонасини ялаб, тажриба орттириб, устозлардан ўрганиб, бирим икки бўлсин, битим сирка бўлсин деб, жоним халак юрсам-у, каёкдаги Шохрух Султонов кўчадан ўйнашини етаклаб келиб, мени унга канизак килиб кўйса! Лаллайган ўртоғи Исфандиёр шох ролини ўйнармиш. Таниш-билишчилик, ошно-оғайничилик, хамтовоклик хам эви билан-да?! Рахбар бўлиб, каёкка караяпсиз? Мен бечора бу ерда яхшиман, у ерда кўриб кўрмаганга, таниб танимаганга оласиз, ўтирсам ўпок, турсам сўпокман.

- Ўзингизни босинг. Зокировага шунча хасадми?

- Хасад - кўгирчокларга килинмайди!

- Буниси бўлмаса, бошка спектаклдан бош ролни олиб берарман? Шунга шунчами?

- Йўк. Мен Родопис бўлишни орзу киламан, Родопис.

- Мен кетдим. Ўтиришни хам расво килдинг. Менга ҳеч жойда шавкат йўк.

- Сарвар Самандарович, тўхтанг. Рахбар бўлгандан кейин, халкни дардини эшитиш керак-да. Индамай жуфтакни ростлаш, хар дангасанинг кўлидан келади.

- Сизни бир хурсанд килмокчи эдим, аммо начора, битмаган савдога ширинкома йўк.

\* \* \*

Спектакл ижроси жуда муваффақиятли тугади. Томошабинлар ўринларидан туриб, ижрочиларни роса олқишлади. Шохрух одамларга назар ташлар экан, юраги гурурдан гупириб кетди. Спектакл қахрамонлари қайта-қайта сахнага чикиб таъзим килишди. Отилган кип-кизил гуллар гиламдай уларнинг оёғи тагига поёндоз бўлди. Театр рахбари, янги спектаклнинг барча катнашчиларига, жамоа оксоколларига зиёфат беришга ваъда килди. Актёрлар, бу хушxabар учун яна чапак чалиб, шодон кийкиришганча, гримхоналарига отилишди.

Забаржад хам, ўзига биркитилган хонага отилди. Кўзгуга караб, маликалик киёфасидан кўзлари чакнаб кетди Сўнгра кийимларини алмаштирди. Яна оддий либосларга қайтиш, эриш туюлди. Начора, театр хаёти шундай. Сахнада шохсан, хаётда яна ўз холингга қайтасан. Яна эл катори корин тўйдириш ташвишига тушувчи, уйга қайтиш учун автобус кутувчи, шилкимларнинг телба-тесқари гапларига жавоб қайтаришга мажбур йўловчига айланасан.

Забаржад мана шу хаёлларда, упа кетказувчи латтани юзига суртганди, дахшатли огрикдан чинкириб юборди. Нима бўлганини билиш учун, кўзига тўлган ёш билан кўзгуга караганди, кулогининг олди, чакаги остидан то иягигача териси кип-кизил бўлиб, шилиниб тушганини кўрди. Фалокатнинг хунук жарохатидан яна ваҳимага тушиб, баттар бакириб юборди. Хона бирпасда одамга тўлди. Кимдир, упа латтани хидлаб, кислота эканлигини аниқлади. Кимдир «Тез ёрдам» машинаси чакирди. Кимдир Забаржад хушидан кетмаслиги учун сув сепиб турди.

\* \* \*

Кунларнинг бирида Забаржадни кўриш учун шифохонага Сарвар Самандарович келди.

- О, Забаржадхон. Ётаверинг, ётаверинг, ҳеч безовта бўлманг.

- Салом, яхшимисиз?- Забаржад дик этиб, ўрнидан турди:

- Кечирасиз. Бироз кўзим илинибди.

- Кўринишингиз яхши. Кўз тегмасин. – Сарвар Самандарович, Забаржадга яхшироқ разм солар экан, ичида ўйлади: «Киз бечора, анча талофат кўрибди-ку. Буни, бу холатда



кўрган одамнинг афти буришмай иложи йўк. Бу чандикларни гриммда ҳам бекитиб бўлмаса керак.»

- Дори-дармонлардан танкислик йўк-ми, Забаржадхон, биздан нима ёрдам. Лекин, ўша-ўша гўзалсиз. – Сарвар Самандарович юзида табассумини кўймасди, ичида эса: «Спектаклни бекор тўхтатган эканман, гоҳ-гоҳ кўявериш керак, Мохи ўйнайверади. Сал шошилибман, энди бу менга тўгри келмайди. Меникини, тирногида ҳам доғи бўлмаслиги керак». – дея ўйларди.

- Ўзингиз чарчамай ишлаб юрибсизми, Сарвар Самандарович, театрингизда бир жонимни бериб ишлай девдим, бўлмади. Сизга койил, бир-бирини кўришга кўзи йўк шунча одамни бошини бирлаштириб турибсиз, махоратингизга тан бердим.

- Э, хали ишлайсиз. Сиздай гўзал кизлар, дунёга минг йилда бир келади. Согайиб кетинг, хали кўп кўришамиз. Энди мен борай.

Сарвар Самандарович Забаржадни кўлини ўпди:

- Бош рол сизники. Чиккунингизча кутамиз. Сарвар Самандарович ховлига етмай яна ўйлади: «Хотин килмасам, ўйнаш киларман. Даргохимни бир четида юрса, юрибди-да. Асл айнимас, деганлари шу бўлса керак, хуснини йўкотмабди.»

Забаржад уни кузатаркан: - «Афтинг курсин, кари туллак, бетингдаги тиришлар, меникидан хунугу, бужмайтирганига ўлайми – дерди ичида: - Мен нимани ўйлаётганимни билмайди деб ўйлаяпти, шекилли. Мендан воз кечиб юборгани шундоқкина кўриниб турибди-ю. Мендан-а, мендан!».

Забаржад, кўзгуни кўлига олди. «Мен шунчалик хунукман-ми?» У юзидаги битиб бораётган тиришни силаб кўйди. Мендан воз кечди-а?! Сахнада Родописни ким ўйнашини кўрасиз! Ўйнаш канакалигини бир кўрсатиб кўяй!»

Кун кеч бўлганда, Мохичехра ва Гулбадан кириб келди.

Иккаласи ҳам шодликларини яширолмасди.

- Вой, Забаржад, сенга нима бўлди-а. Юрагим бир ачиди, бир ачиди. Келиб, келиб шундай гўзал кизни, Худо уриб кўядими? Кел, энди, чин дўст бўламиз. Сенга якин дугона бўламан. – Шундай дея экан, Мохичехра Забаржадни юзини ўпиб кўйди. Ичида эса «Ха, Шохрухга осилмокчи эдинг. Баттар бўл. Энди унга якинлашиб бўлсан. Чалпакка ўраб, олдига ташлашса сенга карамайди. Бировни ошига кўл узатганнинг ахволи шу. Шохрух акам, энди ўз-ўзимга колди».

- Вой, Забаржад опа, халиям бир чиройлисиз, бир чиройлисиз. Канийди шу чирой менда бўлса, шу чандикка ҳам рози эдим – деди Гулбадан.

Кизлар кийкиришиб кулишдилар.

- Кўйинг, ҳеч кимга кўргулик килмасин. Душманамга ҳам раво кўрмайман – деди Забаржад.

- Шу чандикни ҳам бир силашга зор йигитлар канча ахир.

Гулбадан яна кийкирди. Ичида эса, «Ха, Исфандиёр акам ўзимга қолиб кетди. Кеча мени излаб боришининг сабаби бу ёқда. Сендан кочади энди, кочганда ҳам бетинг курсин, деб кочади. Ва,- хах-ха». Гулбадан ич-ичидан шодланиб кийкирарди. – Силатманг, силийман деб, кувласалар, кочинг!

- Жа-а, узокка кочиб кетмасинлар, – Гапга – гап кийгизди Мохичехра: - Барибир кимгадир силатиш керак, сен нима бу парини ҳамма жойи куйган деб ўйлаяпсанми? Куймаган жойлари ҳам бор.

- Майли, майли энди куймаган жойлари билан куйдираверсинлар – яна кийкирди Гулбадан.

Забаржад уларнинг бу қадар безбетлигидан хайрон қолди. Сўнгра, юзини буриштириб «Ох – деди-да ётиб олди: - Кизлар узр, миямга ҳам таъсир қилган шекилли. Бошим зиркираб қолди.

- Э, ётинг, ётинг – деди иккаласи ҳам бараварига.

Ўзингизни яхшилаб қаратинг. Мия кетса чатоғ-а. Яна бизни таниёлмай ўтирманг.

Улар кўнгиллари хотиржам хайр-хўшлашиб чиқиб кетишди.

\* \* \*

Келмаганлар орасида, Исфандиёр қорасини кўрсатмай кетганди. У шифохонага тушганининг биринчи қуни келди-ю, шу билан йўқ. Унинг келмаётгани, нима фикрда юрганидан далолат берарди. Лекин, Исфандиёр, Фиръавн ролини ўйнаган, одамлар кўзига қатъий фикрли, мард ва шиддаткор бўлиб кўринган ва ана шу ролни қойилмақом қилиб ўйнаган Исфандиёр нега бунчалик тез ўзгарди, юз ўгирди. Ахир, у эмасмиди, «тўйни тезлатайлик» дея шоширган. Ахир у эмасмиди «спектакл тугагач, биринчи қуниёқ, мен шох либосида, сен малика қиёфасида одамлар онгидан кетмай турибок, тўйни бошлаб юборамиз. Розилик берсанг бас, ўша қун уйингга совчи жўнатаман» - деган. Мен унга нима деб, жавоб беришни билмаганим учун, унинг самимийлигига шубҳаланганим учун, индамаганим. Бу ер шифохона эмас, хақиқий театр экан.

Шомга яқин бир даста гул билан Исфандиёр қириб келди.

- Забаржад, тузукмисиз?

- Раҳмат. Сиз сўрадингиз, энди бутунлай тузалиб кетсам керак. Фақат бироз бошим оғриб турибди.

- Бу хавонинг ўзгариб туришидан бўлса керак – деди

Исфандиёр. Ичида эса «Бошинг тузалгани билан бетинг тузалмайди. Сендан Гулбадан чиройлироқ. Энди Гулбаданга уйланганим маъқул. Клара Искандаровнанинг зугуми ҳам босиларди, қоларди. Нервимни бузиб юраманми? Дадамга ўхшаб ётиб қолсам, бизни қим боқади. Сабр қилиш керак. Қайгуриш қимга зарил. Бунга уйланиб, умрим хасратда ўтсинми? Агар бунга уйлансам, Клара Искандаровна мени театрдан хайдаб юбориши аниқ».

- Ўзингизни ишларингиз яхшими, Исфандиёр ака – деди Забаржад самимий оҳангда.

Негадир Исфандиёр билан озгина дардлашгиси бор эди.

- Ойим, тўйни тезлат деяптилар!

- Тезлатинг, нега тўхтаб турибсиз.

Исфандиёрнинг рангги оқариб кетди: - Сиз қасалсиз-ку.

- Сиз қизлар қўп-у!

Исфандиёр енгил нафас олди.

- Мен сизни қутай десам, ойим тўйни тезлат деяптилар. адам қасал.

- Адангизни ўртага қўшманг. Хамма ҳам қасал бўлавермайди. Юраги ёниб турган одамларгина қасал бўлади. Сизнинг уйланишингизга қарши жойим йўқ. Мени қутманг.

–Сиз, ақлли қизсиз, Забаржад. Латофатли, дилбар қизсиз. Айниқса юрагингиз гўзал.

- Майли, энди боринг. Бахтли бўлинг. Тўйингизга айтсангиз, жон деб борардим-у, одамларнинг қайфиятини бузиб нима қиламан.

- Йўқ, йўқ бораверинг. Рўмол ўраб боринг. Рўмол ўраш хозир урфга қираяпти.

- Балки, бир амаллармиз,, - Забаржад, чуқур хўрсиник олиб, ютинди.

\* \* \*

Премьерадан бир хафта ўтгач, театр Бадиий кенгашининг «Родопис» спектаклига багишланган йигилиши бўлиб ўтди. Йигилиш турли-туман бахсларга сабаб бўлди.

Театрнинг кекса режиссерларидан бири шундай деди:

- Ёш режиссер Шохрух Султонов жуда кизик мавзуни кўтариб чиққан. Мен уни бу муваффақияти билан табриклайман. У асарга оригинал ёндошган. Айниқса, бош қахрамон ролига Забаржад Зокирова яхши танланган. Кекса режиссер мана шу тарзда узундан узок гапирди. Гапни таникли актриса Клара Искандаровна давом эттирди:

- Биз ёшларимизга бу қадар эрк бериб юборишимиз тўғри эмас. Ахир театримизга улуг устозларимиз мустахам тамал тошини кўйиб кетганлар. Мен хирс-хавас боткогига ботган раққоса Родопис сингари салбий образни бош қахрамон даражасига олиб чиқиб, муқаддас театримиз сахнасини таптаётганлари учун, улуг устозларимиз руҳи олдида хижолат тортаяпман.

- Тўғри айтдингиз, Клара Искандаровна – деди унга кўзини сузиб ўтирган Ботир Болтаев.- Мен хайрон қолдим. Солиқдан тушган пуллар, ўйнашининг оёғи остига ташланса-я! Буни қандай тушунса бўлади. Театримизга дам олишга келган азиз томошабинларимизнинг кўнглига гулгула тушмайдими? Кейин, анови бош қахрамон кизимиз Забаржад Зокирова, жа-а каттик муқом қилиб, ўзини маликалардай тутворган.

- Ахир у малика эмас, бор йўғи шохнинг ўйнаши ҳолос-  
Сўз навбати актриса Гулбадан Зуннуновага теғди:

- Забаржад Зокирова сира ўйнолмаган. Бу режиссер Шохрух Султоновнинг хатоси. Биз дебютант актрисанинг гарданига оғир юкни, у кўтараолмайдиган юкни кўйиб хато қилдик. Томошабинларимиз эснаб, қарсақ чалиш ҳам эсларидан чиқиб кетганини кўрган Забаржад охири тақдирга тан берди. Юзига кислота тортиди. Мана энди жабрини чекиб, шифохонада Оллоҳдан мадад кутиб ётибди. Балки ҳозир у, кислота эмас қора сурсам бўларкан деб ўйлаётгандир, аммо энди кеч.

- Тарихий асарга бу тарзда замонавий ёндошмаслик керак, ўрнидан туриб кетди Исфаңдиёр. – Шох асар дунёга келган. У театримизда ҳар қуни ўйналса арзийди. У ҳар қуни олчоклар қулоқлари остида жаранглаб туриши керак.

- Э, мунча бақирасиз – дея гапни бўлди Клара Искандаровна – Сиз фиръавн Моренра эмассиз-қу. Бор йўғи Шохрухнинг ўртоғи, ҳамтовоғисиз. Забаржад ҳам Шохрухга бегона эмас. Янги танишларидан. Мохичехра эса эскиси эди. Оғиз-бурун ўпишишлар театримизда нега бу қадар илдиз отиб кетди, Сарвар Самандарович!  
Нихоят гапга театр раҳбари Сарвар Самандаровичнинг ўзи аралашди.

-Ўртоқлар, мен билмаган эканман. Актёр маҳоратига, саъйи ҳаракатига тўғри баҳо бермаслик, таниш-билишчилик қучайиб кетганини билмаган эканман. Раҳмат сизга Шохрух Султонов. Мени бундан ўз вақтида оғох этдингиз. Хамма гаплар деярли айтиб бўлингди. Хулоса,,, спектакл театр режасидан олиб ташлансин. Ёш режиссер Шохрух Султоновга сахналаштириш учун спектакл берилмасин. Унинг ишда қолиш-қолмаслиги кўриб чиқилсин. Бу тақлифга розилар қўл кўтарсин.  
Йигилганлар Сарвар Самандаровичнинг авзойига қараб туришди. У қўлини кўтаргач, бирин кетин бошқалар ҳам қўшилди.

\* \* \*

Сарвар Самандарович уйга келса, ҳовлида шовқин сурон авж,  
болалар югуриб-ўйнар, қийқиришар, оналарига ҳам қулок солмай, ўтларни, гулларни

пайхон килишарди. Унинг кораси кўринганидан болалар, «тоғам келди» - дея, унинг этагига ёпишишди. Сарвар Самандарович уларни бирма-бир даст кўтариб, юзларидан ўпди. Кишлоқдан синглиси, болалари билан келган экан. Синглиси ҳам, ўтирган жойидан иргишлаб туриб, унинг истикболига пешвоз чикди. Сарвар Самандарович дастурхон гариблигини кўриб, хотинига бошкатдан козон осишни буюрди. Ўзи эса, дастурхон бошида ўтиришга сабри чидамай, ўз хонасига кириб кетди. Синглисининг икки ўгли, бир кизи бор эди. Куёви эса учма-уч рўзгор тебратар, вақти келганда, Сарвар Самандарович кўли билан, ўрни келганда тили билан синглисининг кемтик рўзгорига карашиб турар, унинг шамоли билан, синглисининг ҳам бир куни амал-такал ўтиб турарди. Лекин бу сафар синглисининг ташрифи ҳам, жиянларининг хархашалари ҳам ортикча хузур багишламади. Кайтангга, юрак-юрагининг тубида яшириниб ётган аламларини юзага чиқариб юборди: «Кани энди мени ҳам шундай яна бир фарзандим бўлса, мана шу улкан ховлида ўйнаб юрса. Болали уй бозор, боласиз уй мазор деганлари рост экан. Нахотки, хаётим шоми бошланган бўлса. Нахотки, энди мен тугаб бўлдим. Нахотки умримни шамолларга совурдим. Нахотки, энди одамлар олдида юзим шувут. Болаликда, фарзандларим кўп бўлишини орзу килардим. Нахотки, орзуларим армонга айланса. Нега бу ҳақда жуда кеч ўйлаяпман. Нега хаётимни ўйнашлар огушида саробга айлантирдим. Нега, кайта уйланиш ҳақида жиддий ўйлаб кўрмадим. Нега ҳамма нарсада, ҳамма ишда ютиб чиқишга ўрганган одам, энг муҳим нарсани, хаётимни бой бердим. Уйим бор, давлатим бор, шон-шухратим бор, Худо яна бир-иккита фарзанд берганида, бу дунёдан беармон ўтмасмидим.»

---

\* \* \*

Шохрух мажлисдан тушкун кайфиятда чикди. Туриб гапирмокчи эди, лекин сўз бермаганларидан кейин, нима килсин. Сўз берганларида ҳам ўзини оклаш учун, бирор жўяли важ-карсон тополган бўларди. Доимо шундай бўлиб келган. У ўзини химоя килишни билмасди. Дархол сўз топиб беролмасди. Жўяли жавоблар унинг хаёлига доимо кеч келади. Умуман олганда унга тухмат уюштиришди. Балки бу тухмат эмас, унинг хатоларидир. Балки, хатолари учун тўғри жазолашаётгандир. У ҳеч қачон хато килмайдиган силлик одамларга доимо хавас киларди. Жазолангандан сўнг, эртасигаёк тавба-тазарру килиб, бошликнинг оёгига йикилиб-ёлворадиганларга ҳам. Бирок бундай килиш унинг кўлидан келмайди. У каттик тушкунликка тушиб кетади. Каттик азоб чекади. Жуда каттик ўйланиб, уни нега бунча хўрлашларини тушунолмай, кўзига ёш тўлади. Бировга ҳеч қачон ёмонликни ўйламаса, кўлидан келганча ҳаммага яхшилик килиш пайида юрса-ю, нега доим калтак тагида қолади. Нега оёқлари остига олиб тепкилашади? Ахир биров унга зарра ишонч билдирса, шу ишончни оклаш учун жонини ҳам беришга тайёр-ку. Шунча шармандалиқдан сўнг, энди бошимни қандай кўтариб юраман? Ким деган одам бўлдим?

Шохрух мана шундай гуссали хаёллар гирдобида кўча кезиб юрганди, Исфандиёрни учратиб колди.

- Э, қайда юрибсан. Изламаган жойим колмади.

- Кўча кезиб юрибман. Каёкка ҳам борардим. Уйга борай десам, уйга сигмайман.

Ишхонада ўтирай десам, одамларга қарашга бетим чидамайди. Яна бироз ёлғиз колсам,

Ўзимни ўзим еб кўйсам керак.

- Э, кўйсанг-чи бўлмагур гапларни. Сабр кил хаммаси ўтиб кетади. Юр, иккита-иккита пиво урамиз.

- Биласан-ку, ичмайман.

- Бўлмаса, бизникига кетдик. Битта яхши кўлбола ош килдираман.

- Кўйсанг-чи, керакмас. – Шохрух индамай афтини буриштирди.

«Исфан... Забаржадни ростдан яхши кўрармикин? Яхши кўрсанега бу ҳақда ҳеч гапирмайди? Ё Забаржадни яхши кўришимни билгани учун индамайдимиз? Аёл киши учун ажралиб кетган дўстлар канча! Эрақ одам аёлни кизганганчалик бошка ҳеч нарсани кизганмайди.»

- Гулбадан билан хали ҳам муносабатларинг яхшими? –

деди Шохрух Исфандиёрни кўнглига кўл солиш учун.

- Ха. Яхши!

- Нега бўлмаса, Клара Искандаровна сенга ташланиб колди.

Кизи билан муносабатларинг яхши бўлса, бундай килмасди-ку?

- Аввалгидай эмас. Гох-гоҳ кўришиб турамиз-у, энди шунчаки учрашаётганимиз аён бўлиб колди шекилли. Балки бу ҳақда ойсига айтгандир.

- Энди ким билан юрибсан?

- Вақти келса айтарман. Савдомиз пишмайрок турибди. Кани уйга кетдикми? Такси...

Улар таксига ўтириб, Исфандиёрларникига йўл олишди.

Шохрух Исфандиёрларникига кирган захоти, бўгик овозни эшитди: - Хой, ким, Исфан... сенмисан?

- Ха, менман дада. Ўртогим билан келдим. Бирга ишлаймиз.

Исми Шохрух.

Шохрух овоз келган хонага мўралади-ю, кроватда ётган одамга кўзи тушди.

- Э, ўғлим кел. Бир кўл, бир оёғим ишламай, шол бўлиб

колган. Инсултдан. Ўзинг яхшимисан?

- Раҳмат. Юрибмиз. Илоё, согайиб кетинг.

- Бу дарддан согайганлар кам бўлади. Ётиб колганимга етти йилдан ошди. Бу кайгу-хасрат ҳеч кимга тушмасин. Театрда ўн беш йил етакчи режиссер сифатида ишладим. Бир куни театрга янги раҳбар келди-ю, икки-уч хатойимни топиб, оддий режиссерликка тушириб кўйди. Театр – мен учун дунё маркази эди. Театрсиз менга хаёт йўқ эди. Каттик тушкунликка тушдим. Ётиб ичдим. Чекдим. Кўкрагимни захга бериб ётдим. Гам-хасрат эзиб ташлади. Бош кўтаролмай колдим. Аммо тортган аламларим холва экан. Бошимга кон куйилиб, инсулт бўлдим. Бир ойдан сўнг, мени яна етакчи режиссерликка тайинлашганида, театрга боролмадим. Мана етти йил бўлди. Энди болажонларимни тўйига ҳам бош бўлолмайман. Одам бўлиб бирор маъракага катнашолмайман. Шунинг учун бошингга бирор кулфат тушганда, сабр кил, бардам бўл, ироданг мустаҳкам бўлсин. Суягинг синса синсин-у, ироданг синмасин. Бўлмаса, ношукур бандасини Худо шу кўйга солиб кўяркан.

- Илоё, согайиб кетинг. Менга ҳеч нарса килгани йўқ амаки.

Ишларим яхши.

- Ха. Ишларинг яхши. Меникидан сал яхши. Кўзларинг айтиб турибди.

- Йўғ-е. Кани бир дуо килинг. Энди мен борай.

Улар яна озрок у ёк-бу ёқдан чакчаклашди-да, ўринларидан

кўзгалишди. Шохрух бироз ўзини ўнглаганиди.

\* \* \*

Шохрух уйга ярим кечаси кириб келди. Ошхонада гимирсиб яримта котган нон ва очилмай колган консервани топди. Котган нонни кисирлатиб ер экан, ушоклари томогига тикилиб колгани учун, эринчоклик сиртмоқларини бирма-бир ечиб, чой кўйишга мажбур бўлди. Аммо консервани иситишга мажоли етмади. Диванга чўзилар экан, дўкторнинг аянчли киёфаси, инграниб айтган гаплари, хаёлида мингинчи бор жонланди. «Унинг юзига нима суртилганини билиб бўлмапти. Шунинг учун заха олиб кетиш хавфи бор.» «Сени ҳеч қачон ташлаб кўймайман, Забаржад. Ҳеч қачон хор бўлмайсан. Сен учун жонимни ҳам аямайман. Сен учун сўнги чакамни ҳам тикаман. Сени театрга мен олиб келдим. Сен мен туфайли ҳасадгўй илонларнинг захрига йўлиқдинг. Сен бир кунда театр сахнасининг порлок юлдузига айландинг. Сени бу галабанг қанча одамларнинг юрагини куйдириб юборди. Сен алам ва нафрат қурбонига айландинг. Мен сени севаман ва ҳеч қачон хор қилиб кўймайман, Забаржад. Сен менинг қалбимдаги оловсан. Сен кўзларимнинг қарогисан, сен жонимнинг титрогисан, сен умримнинг ардогидасан. Энди, бу театрда сени сахнага чиқазишмас экан, мени ишдан ҳайдар эканлар, «Родопис» деган кино ишлайман, сен малика образини яратасан, сени номинг бутун оламга ёйилади. Бу кинони яратиш учун, мен уйимни сотаман, телевизоримни сотаман, қимга нима керак бўлса, ҳаммасини сотаман, сени даволайман, сени бу фалокатлардан эсон-омон олиб чиқаман.»

\* \* \*

Шифохона. Юзига доқа ўралган Забаржад бошини қуйи эгиб ўтирибди. Қаршисида таскин берувчи сўз тополмай жони ҳалак Шохрух.

- Қўйинг, йигламанг Забаржад. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади.
- Йўк, ҳаммаси тугади. Энди театрга қайта бормайман.
- Хали, тузалиб кетасиз. Сиз жуда чиройлисиз.
- Чиройдан асар қолмади. Энди нафакат театрда, кўчада ҳам юролмайман.
- Сизнинг анкеталарингизни Болливудга жўнатгандим, то тузалгунингизча, жавоб келса ажаб эмас.
- Қўйинг, устимдан қулманг.
- Мен сизни яхши кўраман.
- Сиз ишингизни яхши кўрасиз. Сизнинг ишингизни бажариб турганим учун ҳам, кўзингизга яхши кўринардим. Энди ҳаммаси ортда қолди. Эртага спектаклингизда Мохичехрами, Гулбаданми ўйнайди. Муваффақият келтиради. Шу билан улар ҳам кўзингизга яхши кўринади. Ўшалардан бирини яхши кўриб, яна андармон бўласиз. Мени яхши кўргангиз, хотираларингиздагина қолади. Энди мени умрим кадр ортида, дубляжлардагина ўтади. Актернинг омади – гўзаллигидадир.
- Мен сизни бениҳоя гўзал қалбингиз учун яхши кўраман. Фақат ташки гўзаллигингизга қизиққананда, сизни бу қадар яхши кўрмасдим. Нима, Мохичехра чиройли эмасми? Гулбадан гўзал эмасми? Уларнинг ортидан халлослаган итдай югурганим йўқ-ку. Актрисанинг гўзаллиги, бу ҳамманики. Сахнанинг бешавкатлиги шундаки, актрисанинг гўзаллигидан ҳамма завқ олади, ҳамма бахраманд бўлади, ҳамма уни ўзиники қилиб олади. Актриса ҳам, бу бахраманд бўлгувчилардан хусни-малоҳатини қизганмаслиги

шарт. Санъат - курбонлик талаб килишининг мохияти – шу. Холбуки, мен сизни яхши кўрар эканман, ташки кўринишингизга эмас, калбингизгагина эгалик килишдан бошка чорам колмайди. Калбингизгина меники бўлсин дея оламан. Сизни хали-хануз севишимнинг исботи шуки, аввал ҳам калбингизни севганман, hozир ҳам. Юзингизга тушган чандик, мен учун ҳеч нарса ни ўзгартиролмайди.

- Сиз, яхши кўриш деганда нимани тушунаси? Ахир, дунёда яхши кўришдан-да баландрок туйгулар борку? – деди Забаржад хомуш тортиб.

- Уйланиш хакида, гап очишимни истаяпсизми? Хали, бу ҳақда гапиришга эрта. Чунки, хали мени яхши кўришингизни билмайман. Мен хали сиздан ҳеч қандай меҳр кўрмадим. Сиз менга бир умр вафодор бўлишингизга ҳам кўзим етмайди. Сиздан ўзимга тегишли бирор илик сўз ҳам эшитганим йўқ. Оила қуришимиз учун, фақат менинг яхши кўришим камлик қилади.

- Мен театрни ташлаб, бутунлай кишлокка кетмокчиман.

Балки актрисаликни ҳам ташлаб юборарман. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. – У бу сўзларни Шохрухни кўзларига тик қараб айтди.

-Нега? Бир ҳафта – ўн кундан кейин мутлақо тузалиб кетасиз. Чандикнинг ўрни колмайди. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб коласиз. – Шохрух унинг иккала қўлини маҳкам ушлаб турарди.

- Лекин мен кетсам ҳам, жўн кетмайман. Аввало бу ишни ким қилганини топаман. Ундан ўч оламан. Кейин бутунлай кетаман. Сиз билан ҳам бошка кўришиш ниятим йўқ.

- Биринчидан, бу ишни ким қилганини билиш жуда қийин. Сизнинг хонангизни қалити фаррошда бор, раҳбарда бор. Сиздан аввал турган, актерларда ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг қайсидир бири, бу кислотани упадонга кечаси қуйиб кетган. Иккинчидан, театрдан кетишингиз бургага аччиқ қилиб, кўрпани ёқиш билан баробар бўлади.

Учинчидан, мен билан бошка учрашмаслик ниятингиз борлиги, нима, мени жазолашми?

- Қайси айбим учун?

- Сизни айблаётганим йўқ. Энди мен бу ҳолатимдан кейин, сизга нолайик бўлиб колдим. Мен сиздан кетмасам, барибир бир кунмас бир кун сиз мендан кетасиз.

- Мен сиздан кетмаслигимни исботи сифатида истаяпсизми, мен ҳам худди шундай кислотани юзимга сураман.

- Халқимизда «Хашакдан хашам бичма, ёлгондан қасам ичма» деган нақл бор.

- Демак, Сиз розисиз? – Шохрух, Забаржаднинг қўлини бир силтаб қўйиб юборди-да, хонада зарда билан кезина бошлади. У ниманидир ахтараётгандай эди. Унинг шашти шу қадар баланд эди-ки, hozир қўлига захар тушса, ичиб юборишга ҳам тайёр эди.

- Мен сизга гард юкишини истамайман. Агар мен учун шундай қиладиган бўлсангиз, сизни бир умр кечирмаслигим аниқ.

- Бўлмаса, театрдан кетиш фикридан қайтинг. Ўтган иш ўтди. Қавлаштираверишинг кераги йўқ. Душман барибир топилмайди. Топилганда ҳам у сизга дўст бўлиб колмайди. Мабодо топилса у сизга очик душманга айланади.

- Агар, топмасам, у бу ишни яна такрорлаши мумкин. Балки униси бундан ҳам аянчлирок бўлиб чиқар.

- Билиб қўйинг, душманни топаман деб, дўстларни йўқотиб қўйишингиз мумкин.

- Дўстингиз Исфандиёр уйланиш хакида, анча вақтдан буён мени қистовга олиб юрганди.

- Воҳ, ярамас!

- Эсингизда бўлса, бизни у таништирганди. У бу гапларни бизни таништирмасдан олдин

айтган.

- Сиз нима дедингиз?
  - Ўйлаб кўраман.
  - Асло ундай килманг!
  - Нега?
  - Негаки, у сизни севмайди.
  - Севишини сизни олдингизда айтмагани учун ишонмаяпсиз шекилли.
  - Забаржад, у спектакл кўяпти. Ахир у Фиравн Моренра эмас Исфандиёр-ку.
  - У ўз сўзлари билан: Рози бўлинг, Сизга уйланаман» - деганди.
  - Забаржад, рози бўлманг, ёлгончи у. Сиз мени севасиз-ку, у билан қандай яшасиз.
  - Сизни яхши кўришимни қаердан биласиз?
  - Кўзларингиз айтиб турибди, Забаржад.
  - Энди кетинг, гапларимиз тугаган кўринади. Одамлар келиб қолиши мумкин.
  - Хали бекитикча ишни пишитиб юрибсизми?
  - Аёл киши хамиша сирли бўлиши керак.
  - Ундан бошқаси ҳам борми?
  - Ха, яна бир киши таклиф қилиб юрибди. – Забаржад иккинчи хотинликка маъносида икки бармогини кўрсатди.
  - Бу гапларни менга айтишга уялмайсизми?
  - Бу гапларни сиздан яшириш уят! Энди кетинг.
  - Ха, кетаман. Индамасам бутун шаҳарни айтиб чиқасиз шекилли.
  - Ха, бутун шаҳар менга ошиқ!
  - Жинни бўпсиз. Топганингизга тегиб кетаверинг.
- Шохрух ўрнидан турди-да, шифохона эшигини тараклатиб чиқиб кетди. Забаржад чуқур хўрсинди.

\* \* \*

- Театрда, спектаклни яна кўйиш - кўймаслик борасида кизгин мунозаралар кетарди. Сарвар Самандарович бу хусусда Забаржаднинг фикрини билиш учун йўли тушганда шифохонага келди.
- Сарвар ака, сиздан бир нарсани илтимос қилсам майлими?
- Яна бирор ҳафта кутишинг иложи борми?
- Нега? Ахир ҳамма бу ердан тезроқ чиқсам деб, ҳаракат қилади-ку?
  - Кани, бироз кутайлик-чи, ахир уларнинг ҳам ҳақиқий башараси бордир.
  - Актёрлик қилмоқчимисиз?
  - Ха, мен актёрлигимга бориб, ҳаётда ҳам рол ўйнайман.
- Энди... улар мени кўгирчокни ўйнатгандай ўйнашларига йўл қўёлмайман. Улар туйгуларимнинг устидан қулишди, улар ўй-хаёлларим устидан ҳукмронлик қилишди. Энди атрофимдаги ҳаёт нимадан иборатлигини кўрмоқчиман.
- Спектакл режада турибди. Уни тўхтатолмайман. Балки ўрнингизга биров ўйнар.
  - Ўзингиз биласиз. Хозир менинг юрагимда ҳам, худди юзимдаги сингари жароҳат бор.
- Менда кимнинг бу қадар хусумати борлигини билмасам бўлмайди.
- Ўзингизни қийнаманг, Забаржад. Барибир ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.
  - Мен кўзимни юмиб яшолмайман. Агар кўзим манна шундай юмук юраверса, яна бир кун чохга тушиб кетишим мумкин.
  - Бу дунёда айбланмаган, адашмаган, чохга йиқилиб, юрак бағри қон, абгор бўлмаган



одам борми?

- Мен сахнадагина сценарийда ёзилганини ўйнашга мажбурман. Хаётда эмас.
- Хаётда ҳам... Худо пешонангизга ёзганини ўйнайсиз.
- Худо менинг пешонамни бир қарич ялтирок қилиб яратган. Нима ёмонлик кўрсам бу ўзимдан, нима яхшилик кўрсам, бу – Худодан. Мен Худога ишонаман.

---

\* \* \*

Бир кун Сарвар Самандарович Шохрухни чакириб, ишдан хайдамаслигини айтди. Гап орасида «Родопис» спектаклини ҳам онда-сонда кўйиб туриши мумкинлигини уқтирди. Бош ролга Мохичехрани тавсия қилди. Шохрух, Сарвар Самандаровичнинг тавсиясини рад қилди. Бош ролда фақат Забаржад Зокирова ўйнайди – деди. Театр раҳбари Забаржаднинг номини эшитиб, тортишиб ўтирмади. Ўзинг биласан – деди. Лекин ишхонадаги бу енгиллик Шохрухнинг қайфиятини кўтаролмади. У Забаржад билан аразлашиб қолганидан сўнг, Забаржаднинг телефон қилишини кутарди. Ўзи телефон қилишга, шифохонага боришга гурури йўл қўймас, ялиниб боришга истихоло қилар, шифохона атрофини айланиб-айланиб кетар, тўсатдан учрашиб қолсақ қандай яхши бўларди деб орзу қиларди.

Кўл телефон ҳам туну-кун ёник турар, Забаржад телефон қилиб қолармикин дея, жирингламаса ҳам бот-бот қарарди. Гох-гох унинг менадан бошқа ошиқлари ҳам бор дея, гумонсирар, бу шубҳа, жаҳлини чиқарар, шундай кезларда, шифохона скамейкаларида ўтирган кезлар, ўрнидан туриб, кетиб қоларди. Ўзига қелган кезлар, хаёлан Забаржадга ўз шартларини айтарди: «Сенга уйланганимдан кейин, менадан бошқа ҳеч ким билан гаплашмайсан. Менга алоҳида вақт ажратасан. Менга гамхўрлик қиласан. Мехрингни аямайсан. Менга ўғиллар туғиб берасан.

Фақат меники бўласан. Фақат мени дейсан. Фақат мен билан гаплашасан. Кўзларингни олиб қочмайсан. Ширин гапларингни аямайсан. Хуснингга тўйғунимча ёнимда ўтирасан. Бир жойга борсанг сўраб борасан. Йўқ, яхшиси фақат мен билан борасан. Фақат мени спектаклларимдагина ўйнайсан. Фақат ижобий ролларда ўйнайсан. Мени қийнамайсан. Гап қайтармайсан. Мен нима десам маъқуллайсан ва х.к. ва х.к.

Бир куни уни қаттиқ соғинганида туш кўрди. Тушида унинг хархашалари, инжикликлари аччиқ-тизиқ гаплари, инқорлари, камситишлари, ўзини қатта олишлари, менсимасликлари ҳамма-ҳаммасини унутиб, бош эгиб борган эмиш. Унинг хонасига қиришга юраги бетламай, ташқаридан туриб, бировдан айттириб юборган эмиш.

- Келинг! – дебди Забаржад жиддий.
- Қелдим. Ўтган сафар қелганимда, сотовойимни гилофи тушиб қолибди. Шунга олиб кетмоқчийдим.
- Ҳеч қанақа гилоф қолгани йўқ.
- Бошқатдан бир излаб кўринг, балки қолгандир.
- Беш тийинга, унақа гилофдан бештасини беради.
- Менга қим беш тийинни беради. Қўчада ётган бўлса айтинг, бориб олай, олиб берадиган ошиқларим бўлмаса.
- Ажаб бўпти.
- Бетингизни очинг, бир кўрай.

- Сиз менга кимсиз, бетимни кўрадиган...
- Сизни яхши кўраман!
- Сиз яхши кўрадиган бетим куйиб колган.
- Сизга уйланаман.
- Нима-а?!
- Мен охири шу қарорга келдим.
- Қарорга келишдан олдин мен билан маслахатлашдингизми?! Мен рози бўламанми, йўқми? Мени шартларимни бажарасизми? Хали сизни яхши кўришим учун тайёрмисиз. Биринчидан нима десам хўп дейишингиз керак. Доим гапимни маъқуллашингиз керак. Гап қайтармаслигингиз керак. Мени кийнамаслигингиз керак. Мен ота-онамни эрка фарзандиман. Улар доимо мен билан маслахатлашишган. Сиз ҳам шундай бўлишингиз керак. Менга доимо вақт ажратишингиз керак. Мехрингизни аямаслигингиз керак.
- Бўлди, ўчир овозингни...

Забаржад Шохрухнинг бакиригидан хайратланиб, кўзлари катта- катта очилиб кетибди. Эсанкираб колган Забаржадни кучоклаб, лабларидан каттик ўпа бошлабди. У Шохрухни дўппослай кетибди. Анча вақт дўппослаб турибди-да, Шохрух кўйиб юбормагач, жимиб қолибди.

\* \* \*

Театрда ҳаёт яна ўз измига тушиб кетганди. Сарвар Самандарович яна «Родопис» спектакли кўйилиши ҳақида топширик бергач, актёрлар гимирлаб қолишди. Родопис ролида Мохичехра ўйнайдиган бўлди. Кизгин репетициялар даври бошланди. Забаржад ҳақидаги шов-шувлар, миш-мишлар четга сурилди. Шохрух ҳам ҳаммасини унутгандай эди. Актёрлар билан спектакл ҳақида мунозаралар юритар, аввалги доврўги сўнмаслиги учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Хатто бир куни Мохичехра билан сахна ортида гаплашиб туришганида, ариза ёзиш учун театрға келган Забаржадни кўриб, салом берди-ю, Мохичехраға қараб яна гапини давом эттираверди. Уларнинг олдидан тез-тез юриб ўтиб кетган Забаржад, алам ва изтироб алангасида колди. Сарвар Самандаровичнинг қабулиға кириш учун бироз пойлади-да, кутишға ортикча токати етмай қабулхонадан чиқиб кетди. Кўлидаги аризасини эса йиртиб ташлади. Сўнгра театр сахнаси томон юриб кетди.

\* \* \*

Театрда айнан «Родопис» спектаклининг репетицияси бўлаётганди. Ҳар бир ҳатти ҳаракати, ҳар бир сўзи ўзига таниш бўлган манзарани кўриб эти жимирлаб кетди. Театр катта даргоҳ эди. У бўлмаса ҳам театр ҳеч нарса йўқотмасди, ўз изнида кетаверарди. «Мен бўлмасам, театр ҳаёти тўхтаб қолади» - деган одам янглишарди. Нафакат, Забаржад, нафакат Шохрух, хатто Сарвар Самандарович бўлмаса ҳам, театр ҳаёти ўз изнида, бир маромда кетаверарди.

Лекин, Забаржаднинг юрагида спектаклни сахналаштиришға изн берган Сарвар Самандаровичға нисбатан ҳам ва айниқса, бу спектаклни сен учун, ҳа факат сен учун сахналаштираман, деган Шохрухға нисбатан ҳам нафрати кўзиб кетди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам кўзига алдоқчи ва хиёнаткор бўлиб кўринди. Улар бугун театрда алдашса, эртаға ҳаётда алдашади...

Забаржад мана шундай аламли ўйлар исқанжасида у ёқдан бу ёққа юраркан, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, гўё ҳамма ўтган ишларға қўл силтаб парво қилмаётгандай тутарди ўзини. У узокда турган Шохрухға бош силтаб, салом берди-ю, Исфандиёр билан узок

сўрашиб кетди.

-Кандай, яхшимисиз Забаржад...

-Яхши, раҳмат. Табриклайман. Гулбаданга уйланмоқчи эканлигингизни эшитдим.

- Ха. Сизга тишимиз ўтмагандан кейин, нима килайлик, кўлинг етган шохнинг шафтолиси ширин, дейишади-ку.

- Йўк, йўк ҳеч нарса деяётганим йўк. Таслимман. Мана икки кўлимни ҳам кўтардим. Кизил гул эканнинг хирмони бўлмас, яхшини суйганнинг армони бўлмас.

- Айтаяпман-у, бўйи паст одамнинг баланд дорга осилишининг ҳеч хожати йўк. Биз кичкина одам бўлсак. Сиз театрда биринчи даражали юлдуз.

- Сиз ҳам биринчи даражали бўлмаганингизда шох ролини ўйнармидингиз.

- Йўк, мен узок ўйлаб кўрдим. Мен табиатан иккинчи даражали одам эканман. Сизга караганимда кўзим камшиб, оёғим калтираб кетаверади. Шундан кейин билдимки, ўзимбоп кизга уйлансам тузук экан. Сиз эса оловсиз, сизни темир кўллар ушлаб турмаса, унча-мунча кўлларни куйдириб юборасиз.

- Кўйсангиз-чи. Келинг, ёкангизни тўгрилаб кўяй.

Исфандиёр шохона кийимда эди.

Забаржад унинг кийимларини тўгрилай бошлади. Унинг Исфандиёр билан жуда илик ва хушчакчак гаплашиб турганини кўрган ва бетокат бўлиб, у ёқдан – бу ёққа бориб келаётган Шохрухнинг алами бўғзига тикилди ва жони чикиб кетар даражада ўзини тутолмай колди. «Мен уни театрга олиб келдим. Уни малика киёфасида элга танитдим. Уни машхур килдим. Уни жонимдан ортик севдим. Кечаю-кундуз факат уни ўйлаб, унинг учун яшадим. Унинг учун ишдан ҳайдалишимга оз колди. Уни учун уйимни сотишимга оз колди. Бугун ҳам ҳамма ишларимни йигиштириб кўйиб, дарди-хаёлим факат у бўлса-ю, нега у ёнимга келиб, саломлашишни ҳам ўзига эп кўрмапти. Нега мен унга худди бегонадайман. Исфандиёрдан нима кўрди. Нега у билан хиринглашиб турибди. Нахотки мен шунчалик аҳмоқ бўлсам. Шунчалик фидоийлигим эвазига, заррача эътибор топмасам. Нега, нега? Нега у мени бунчалик хўрляпти. Нега, нега?

Шохрух шахд билан улар гаплашиб турган жойга борди-да жаҳл аралаш:

- Забаржад, бир лаҳзага мумкинми, сизда гапим бор, - деди.

- Йўк, хозир бандман. Кўраяпсиз-ку, гаплашиб турибман.

Шохрух, газабини босолмай, Забаржадни кўлидан ушлаб, судрай бошлади.

- Тортинг кўлингизни... – Забаржад кўлини тортиб олиб охулардай чаккон ҳаракат билан сахнадаги тахтнинг устига сакраб чиқди. Шу топда, «Родопис» спектаклини кўйгани ва унда Мохичехра ўйнагани учун Шохрухни кўрарга кўзи, отарга ўки йўк эди.

Буни ҳамма тушуниб турарди.

Ўртадаги вазиятни юмшатиш учун гапга Исфандиёр аралашди.

- Кўйсанглар-чи... Нега бунча жанжал. Ўзингни бос, Шохрух.

- Сен жим тур. Хозир шу қилич билан корнингни ёраман.

Шохрух шох кийимидаги Исфандиёрнинг белидаги қилични шартта кинидан чиқарди: - Йўкол, кўзимдан.

- Ўзингни бос. Шохга кўл кўтаришга қандай ҳаддинг сигди...

- Хозир ҳазилнинг пайтимас... Хаёт сен учун ҳазилдан иборат бўлиши мумкин. Лекин мен ўз тақдиримга майнавозчилик билан қаролмайман.

- Яхши ёр ёддан чиқмас денг. Забаржадни кўриб, ҳаяжонларингиз янгидан жўш уриб кетдимми... – деди боядан бери вазиятни кузатиб турган вазир киёфасидаги Ботир

Болтаев. – Буни учун сахнада жанжал кўтариш шарт эмасди...

- Сен ўчир овозингни... сенга тегишли гап йўк бу ерда.
  - Ха, у шу ерда жанжал кўтармаса бўлмайди. Ахир хаммани олдида ўзини оклаши, ўзини оппок килиб кўрсатиши керак-ку. Гўё хамма кора, у оппок. Гўё у спектаклни кўймокчи эмасди, хамма мажбурлади. У Забаржадга мана шуни тушунтирмокчи – деди Клара Искандаровна. – Лекин шуни билингни, агар сиз истамаганингизда спектакл кўйилмасди.
  - Ўчиринг овозингизни... Менга даллолни кераги йўк.
  - Бор гап шу. Агар хақиқатни беркитиб, жанжал тўполон, лўлилик билан енгиб чикаман десангиз, мархамат, жанжал кўтаравринг: Кўтир тана кўра булгар.
  - Мен эмас, сиз ва сизга ўхшаганлар Бадиий кенгашда спектаклни сахнадан олиб ташлашган. Забаржад йўклигида уни сахнага кайтарган ҳам сиз ва сизга ўхшаганлар.
  - Нимани назарда тутаяпсиз. Шохрух Султонов – деди сахнага кириб келган Сарвар Самандарович. -Нима гап ўзи, бу нима тўполон?
  - Мен, умуман ҳеч нарсани муҳокама килмокчи эмасман. Сизларга айтадиган гапим ҳам йўк. Мен фақат Забаржад билан гаплашиб олмокчиман.
  - Мени, сиз билан гаплашадиган гапим йўк.
  - Мен ҳозир бу ердан индамай чиқиб кетишим мумкин. Лекин сизга айтадиган бир оғиз сўзим бор, ўнг кулогингиз билан ҳам, чап кулогингиз билан ҳам эшитиб олинг: Мен сизни яхши кўраман.
  - Ёлгон. Сиз ўзингизни яхши кўрасиз. Спектаклни ҳам ўзингиз учун кўйдингиз. Агар у мен учун бўлганда, мени ростдан яхши кўрганингизда, ҳеч қачон Мохичехрани чақирмасдингиз.
  - Кўйинглар, битта рол учун талашманглар, шахсий муносабатларни аралаштирманглар – деди Сарвар Самандарович. – Забаржад, қани юринг, хонамга қирайлик.
  - Забаржад, агар ҳозир, мен билан кетмайдиган бўлсанг, сендан мутлако юз ўгираман. Сен билан бошқа ҳеч қачон кўришмайман.
  - Менга шарт кўйишга ҳақингиз йўк. - Забаржад терс ўгирилиб, Сарвар Самандаровичнинг ортидан кета бошлади.
- Клара Искандаровна пик этиб, кулиб кўйди:
- Лўлининг чирмандаси ёрилса, гардиши маймунга ўйинчок бўларкан – деди у истехзо билан Забаржаднинг ортидан.
- Шохрух, алам ва нафрат билан кўлидаги қилиқни ясама тахтга уриб, тахтни қок иккига бўлиб юборди. Исфандиёрнинг бошидаги тожни олиб, ерга улоқтирди. Сўнгра, найзани газаб билан унга санчди.

\* \* \*

Спектакль аввалгидек гавжум бўлмасада, харкалай анча одам тўпланди. Бировлар унга аввалги довруги туфайли келган бўлса, бировлар янги кўриниши қандай экан деб, баъзилар эса, қандай бўлишидан қатъий назар келганди.

Димоги чоғ Мохичехра спектаклдан сўнг Шохрухни уйига таклиф қилди. Шохрух гапни чўзиб ўтирмади. Унга эргашиб йўлга тушди.

- Қандай яхши бўлди. Бир қунда бутун Ўзбекистон ахлига танилдим. Ниҳоят талантим юзага чиқди, - Мохичехра тинмай гапириб борарди: - Одамларнинг қарсагини айтмайсизми? Йигитларнинг қанчаси телефон номерларини беришди. Умрим бино бўлиб

бунча гул олмагандим.

- Сен хакикатдан хам чиройлисан Мохичехра. Бу талантинг билан жуда катта режиссерлар билан ишлашга лойиксан – Шохрух Мохичехрага худди бугун танишаётгандай хайратланиб карарди.
- Нахотки шу гапларимга ишонади деб ўйласангиз?
- Ишонасиз. Сиз ўзингизни гўзаллигингизни хам биласиз.
- Йўк-йўк. Сиз бу гапларни Забаржадга айтинг. Уни кўриб телба бўлиб юрганларингиз эсимда. Мана шу спектаклни хам, аслида Забаржад учун кўйдингиз.
- Кўйинг, у билан иш бўйича гаплашардим. Орамизда ҳеч қандай жиддий гап бўлмаган.
- Агар Забаржадни юзи куйиб колмаганда, у бугун хам шу спектаклда ўйнарди.
- Йўк. Бош ролда у ўйнагани учун, спектакл Бадиий Кенгашдан ўтмади. Спектакл мана энди ўзининг бош қахрамонини топди.
- Агар мени хам юзим ўшандай чандик бўлиб колса, мендан воз кечиб кетмайсизми?
- Йўк.
- Агар, сизни менга қайтишингиз учун, ўша ишни мен қилгандим десам-чи?
- Бўлиши мумкин эмас.
- Бўлиши мумкин. Ўша ишни мен қилганман. Бўлмаса бугун сиз менинг ёнимда бўлмасдингиз. Лекин, ёнимдан кетмаслигингиз учун, ўзимнинг юзимни хам ўшандай қуйдиришга тайёрман.
- Кўйинг, керакмас. – Шохрух хайратдан донг қотиб колганди. - Балки ҳазиллашаётгандирсиз.
- Йўк, бу ҳазил эмас. – Мохичехра тўхтаб Шохрухни кўзларига тик бокди: - Мен сизни яхши кўраман.
- Қасам ичинг.

Мохичехра сумкачасидан кичкина шиша идишни олди:

- Хохласангиз, нафакат юзимга суртишим, ичишим хам мумкин.
- Қани ичинг-чи?

Мохичехра, кўлида шиша билан бироз иккиланиб турди. У нима қилишни билмасди.

Шишани Шохрухни юзига отишни хам, ёки уни ичишни хам билмасди.

Мохичехра кўлида кислота шишасини стол ўртасига қўйди.

- Хўп, майли. Лекин менинг хам бир шартим бор.

Мен сизни яхши кўришимни биласиз. Лекин, кизболанинг яхши кўриши ҳеч қанака ахамиятга эга эмаслигини, у хатто яхши кўришини хам очик айтолмаслигини хам биласиз. Лекин, мен бугун сизга бу гапни очик айтмоқчиман: Мен сизни яхши кўраман. Бу бугун, ёки кеча пайдо бўлган гап эмас. Бу сиз билан биринчи бор учрашганимиздан бери бор гап. Ва ўйлайманки у менинг сўнги нафасимгача давом этади.

Мохичехра шишани қўлга олиб гапни давом этди. Унинг вазохати, севги изхор қилаётган кишидан кўра аламзада одамнинг асабий, кўнгил фарёдларини эслатарди:

- Айтингчи, сиз қимни севасиз?

Шохрух Мохичехранинг титраётган кўлидаги шишага тикилиб турарди. Хозир у Забаржаднинг номини аташи билан, бу кислота юзига сепилишини сезиб, юрагида ваҳима ўрмаларди. Нихоят, жим туришга тоқати етмай гап бошлади:

- Мохичехра, балки театрда актёр севишганлар қиёфасини ярата олиши мумкин, лекин қалбида севгини ўзини ярата олмайди. Инсон ўз қалбига мана шу одамни севгин деб буйрук бера олмайди. Инсон ҳали биронта тирик жонзотни ярата олмагани каби муҳаббатни хам ўз қўли билан ярата олмаган. Кишига хақиқий муҳаббатни хам Худо

беради. У киши юрагига олов бўлиб келади ва олов бўлиб бир умр юракда яшайди. Мен Забаржадни мана шундай мухаббат билан севаман ва бир умр унга фидо бўлиб яшайман. Сени ҳеч қачон севмаганман ва хозир сенга ёлгон ҳам гапира олмайман.

Мохичехра кўлидаги шишани баланд кўтарди.

-Эссиз, хор бўлган умрим, хор бўлган ёшлигим, хор бўлган туйгуларим, изтиробларим, орзуларим. Мен, бир кунмас бир кун барибир менга кайтасиз, деб ўйлагандим. Афсуски, сиз маккор, тошбагир ва кайсар бўлиб чикдингиз. Энди сиз билан бизнинг орамиздаги муносабатларга сўнги нукта қўйиладиган пайт келди. Сиз бу ўйинда голиб чикдингиз. Лекин мен ҳам мағлуб бўлганим йўк. Мен бу ходисага шунчаки бефарқ каролмайман. Яшасин касоскор ва бевафо ҳаёт! Яшасин, ичганинг сари захри тўйдирмайдиган мухаббат! Мен, ушбу захарни сизларнинг орангиздаги буюк мухаббат учун ичаман! Шохрух, Моҳичехра кислотани унинг устига сепиб юборса керак, деб жон ховучлаб турганди, бироқ ўз огзига олиб бораётганини кўриб, эсанкираб колди ва бир зумда унинг кўлига отилди. Кислота Моҳичехранинг бўйнига, кийимларига, Шохрухнинг кўлига сачради. Кислота теккан ерлар бир зумда жизганак килиб куйдира бошлади. Шохрух, дод солиб унинг бўйинларини, иягини артишга шошилди.

Шохрух Моҳичехранинг ҳамма кийимларини ечиб ташлади. У кип-ялангоч бўлиб колди. Шохрух унинг оппок сийналарига караркан, нима килишини билмай, тек туриб колди. Моҳичехра, кулиб, унинг истикболига пешвоз чиқа бошлади ва кўлларини, унинг бўйнига қўйиб, таманно билан жилмайди.

Шохрух, секин ортга ўгириларкан:

- Мени кечир- деди ва хонадан чикиб кета бошлади. У ўзини кўлга олиш, эхтиросларини жиловлаш учун, лабларини шу қадар каттик тишлаганидан, огзининг бир четидан кон сизиб чиқа бошлади.

\* \* \*

Забаржад кишлокка кетиш учун, ҳамма кийим-кечакларини йигиштира бошлади. Ижара хакини тўлади. Театр жамоаси билан хайрлашишга борганди, лекин кетиши хақида ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса дея олмади. Театр бир дарё мисоли ўз ўрнида сокинлик билан тўлиб тошиб окиб ётарди. Забаржад ундаги бир баликча каби юзадан караганда бор-йўклиги ҳам билинмасди. Мана шу нарса, уни «Мен театрдан кетаяпман» дейишга йўл қўймади. Кетса, нима ўзгарарди. Унга ким «кетма» деярди. «Кетма» дегани билан, унга ким кетмаслиги мумкинлигини тушунтириб бераолади. Тушунтиргани билан, тушунишга арзирли нарса топилармикан? Забаржад Шохрухни ўйлади. Театрда Шохрух бўлмаганида ҳам қолиши мумкин эди. У Шохрухга касдма-касд кетишга шайланди. Ахир Шохрух эмасми, уни қўкка кўтарган, унинг мухаббатини қозонган, унинг юрагига изтироб ва шижоат солган ва охир-окибатда, мухаббат чўккисидан ташлаб юборган. Мана, бу театрдан абгор ва мағлуб кетар экан, кўз тиккан, ишонган ва севган бир одамнинг олдига бориб, яна ўзининг мағлубияти хақида гапиролмасди.

Исфандиёр эса бу ҳолатдан мустасно эди. У Шохрух билан танишишга, демакки театрга келишига сабаб бўлган. Исфандиёр билан хайрлашмай кетаолмасди.

Исфандиёр окшомга якин келди.

- Нима бўлди?

- Уйга кайтмоқчиман. Мабодо битта-яримта мард чикиб қоладиган бўлса эрга тегиб, оила қурмоқчиман.

- Театр нима бўлади? Ахир шу соҳада беш йил ўқидинг, диплом нима бўлади? Дипломни

хам кўя турайлик, ахир актриса бўлиш бир умрлик орзуинг эди-ку, орзуларинг нима бўлади. Нахот хаётингни бутунлай ўзгартирмокчи бўлсанг?!

- Мен каттик адашган эканман. Мен санъат соҳасига гўзалликни, меҳр-муҳаббатни, фидоийликни, инсондаги барча буюкликларни тарғиб қилиш учун кириб келгандим. Лекин афсуски, мен санъаткорлар орасида факат разолатга, хиёнатга дуч келдим. Мен аввало инсонлардаги буюкликларни ўз бошимдан кечириб, уни кейинчалик сахнага олиб чиқмокчи эдим.

Мен сахнада ёлгондан ўйнолмайман. Ўзим бахтни кўрмай, ёлгондан бахтиёр киёфасида чиқолмайман. Ўзим севилмай севишган ёр киёфасида чиқолмайман. Хиёнаткор, касамхўр, ёлгончи одам бўлатуриб, халоллик, ростгўйлик, мардлик хақида гапиролмайман. Мен театрда разолатнинг ҳамма турини кўрдим. Сизларнинг олдингизда колсам, эртага Худонинг олдида жавоб беришга кўркаман. Бу боткокда чўқишга ортикча токатим йўк.

- Кетсанг кетавер. Билиб қўй, театр ҳам чангалзор конунига бўйсунди. Унда факат кучлилар голиб чиқади. Айёр бўласанми, аблах бўласанми, мард бўласанми, хар қандай киёфага киришингдан катъий назар, яшаб кетолсанг, кучлисан ва бир куни маррага етасан. Сенга ўхшаган ожизлар, йиглоқилар, хардамхаёллар, нима қилишини аниқ билмайдиганлар, ўз максоди йўлида аёвсиз курашишни билмайдиганлар ўз-ўзидан бу чигирикдан чиқиб кетадилар. Театрдан кетишинг бу сени мардлигинг эмас, заифлигингдандир.

- Бу жавоб, сизнинг ўз юрагингиздан чиққан жавоб эмас.

Сизда юракнинг ўзи йўк. Сизнинг юрагингиз, мана шу жамоага аллақачон қушанда бўлиб, бўлган. Сиз энди жамоанинг умумий юраги билан яшаяпсиз. Сизнинг мардлик хақидаги тушунчангиз ҳам бошка. Инсонийлик тушунчасини ҳам, бу бошкаларга ўргатиладиган тушунча деб қабул қилгансиз. Сиз, хатто муҳаббатни ҳам китоблардаги нарса деб қабул қилгансиз ва ўзингиз хаётда ҳеч қимни севишга интилмагансиз, сизни севганларни ҳам тушунмагансиз. Шунинг учун менинг саволларимга ҳам сизда ҳеч қандай жавоб йўк. Жавобингиз, факат инкор этиш, камситишдан иборат.

- Хар қимнинг гўри бошка-бошка. Мен нимаики қилган бўлсам ўзим жавоб бераман. Бошкалар ҳам шундай.

- Сиз ҳам, бошкалар ҳам бир кун жавоб беришни унутиб қўйгансизлар. Ташқарида кўрган одам сизни машхур одам дейди. Хавас қилади, лекин ўз хаётингизда қилаётган ишларни бир кунмас бир кун, билиб колса, энг ярамас одам ҳам бу қадар тубан бўлмаслигини кўриб ёқа ушлайди.

- Сен бундай хаёллар билан, бизнинг орамизда яшолмайсан.

Тўғри ўйлабсан, битта-яримтаси сени ўлдириб қўймасидан бу ердан кетганинг маъқул. Эр топ, оила қур, бола-чақа ўстир. Сенга энг яхши йўл шу.

Хайр, мен ҳам кетдим. Яхши кол.

- Хайр.

Исфандиёр терс бурилди-да, ўгирилмай хонадан шахд билан чиқиб кетди.

---

\* \* \*

Бир кун, ёз кунларининг бирида, кечки салқин тушган пайт Сарвар Самандарович, хотини, ўглини олиб, Бўзсувнинг овлок бир гўшасига чўмилишга борди. У пайтлар ўгли

эндигина икки-уч ёшлар чамаси, Сарвар Самандарович хам хали ёш эди. Хотини ва ўгли сохил бўйида дастурхон тузашга колди. Сарвар Самандарович эса ўзини сувга отди. Яхши сузишни билмаса-да, Бўзсувнинг кенг, буралиб окадиган жойига бориб колди. Сув ўртасига етганида, ортга кайтишни хам, олдинга кетишни хам билмай, эсанкиради, сўнгра, «чўкиб кетсам-а» деган фикр хаёлидан ўтиб, ортга кайтмокчи бўлди. Лекин, негадир, ортга кайтишни истаган сари, сув окими уни, ўртага тортарди. Сарвар кучи борича интилиб, ортга ошикди ва бир неча сониялардан сўнг, барча хатти-харакатлари зое кетаётганидан дахшатга тушди. Буралиб окаётган сув уни пастга тортарди. Бехосдан уни томогига алам ва ўкинчларга тўла хайкирик келди: «Вой-дод! Куткаринглар! Ёрдам беринглар, чўкаяпман!» Сарвар киргокда хеч ким йўклигини биларди. У чўмилаётган жой, Бўзсувнинг овлок жойларидан бири эди. Чўмилгувчилар хам, кун ботиб, атроф коронгулашаётганлиги сабаб, кетиб колишган, киргокда хотини ва ўглидан бошка хеч ким йўк эди. Хотини эса, киргокда бамайлихотир унга караб турар, хазиллашаяптими дегандай, дастурхонга андармон эди. Сарвар, жон холатда яна бакирди: «Чўкаяпман, вой-дод, куткаринглар».

Шундан сўнг, у кўллари акашакдай котиб, кимирламасдан, сув ичига кириб кетди. Оёклари хам, кўллари хам худди музлаб колгандай кимир этмас, факат миясигина чарх уриб ишлаб турар, миясида турли фикрлар гужгон ўйнарди:

«Нега дод солиб бакирмайди. Нега одамларни чакирмайди?

Нега, нега? Нега уввос солиб йигламайди. Нега жони узулгудай югурмайди. Мен ўлаётганимни сезиб, хатто, афти хам буришгани йўк. Тўгрида, мен ўлсам, у нима хам йўкотарди. Хеч нарса. Тайёр уйим-жойим унга колади. Йиккан бойликларим умрини охиригача еб ётса хам етади. Мен унга керакмасман. Мен кимга керакман. Ўглим хам ўз кунини кўриб кетади. Факат онамгина доги-фирогимда адои тамом бўлиши мумкин. Йўк, йўк онажон, менинг догимни хеч қачон кўрманг. Мен хали яшайман, онажон. Мен хали тирикман онажон». Сарвар яна бор кучини тўплаб, сув юзига калкиб чикди: «Вой-дод, онажон».

Сарвар жон-жаҳди билан типирчилар, бу харакатлари киргокка чикиш учун эмас, бор йўги, сув юзига калкиб чикиш учунгина эди.

Ўшанда уни каердандир пайдо бўлиб колган милиционерлар гурухи куткариб колганди. Орадан бир хафта ўтиб, у согайиб кетди-ю, юрагида хотинига бўлган шубха ва нафрат бир умрга колди. Энди у, хотини уни яхши кўришига ишонмасди. Ишонтиришни истаган кезлар хам, бўлиб ўтган хакикат олдида ожиз эди.

\* \* \*

Бир кун Забаржад Шохрухга телефон килиб, эрта-индин шаҳардан бутунлай кетишини айтди. Унинг бу сўзини эшитиб, Шохрух хапкириб кетди.

- Забаржад, хозир каердасиз?
- Уйда. Ижарадаги уйимдаман. Йўклигимга бу ер хам хувиллаб копти.
- Бирон жойда учрашсак нима дейсиз?
- Кетар жафосигами?
- Ха.
- Балки кераги йўқдир.
- Керак, керак.
- Шунча учрашдик, шунча гаплашдик. Етар энди.
- Забаржад, сизни яхши кўришимни биласиз-ку, нега мени ёмон кўрасиз.
- Чунки, сизда хакикий мухаббат борлигига ишонмай кўйдим. Сиз мен излаган одам



эмассиз. Сизга меҳр бердим-у, кўнгил беролмадим. Гарчи осон бўлмаса-да, иродамни ишга солиб, меҳр беришни ҳам тўхтатмоқчиман.

- Забаржад, бизни кўнгил боглаб турмаганмиди?

- Бир ҳамдард дўст сифатида сизга боғланиб колгандим. Сиз мени юпатардингиз, яшашга ҳам, сахнада ҳам куч берардингиз, энг асосийси келажакдаги ёруглик хакида уктирардингиз. Гарчи кўнгилда, дог колса ҳам, бу ипларни узишга мажбурман.

Мажбурман !!!

- Забаржад, нега сизда бу тушкунлик бирдан пайдо бўлиб колди. Нега ёлғиз ўзингиз иккаламизнинг муносабатларимизга хулоса чиқараяпсиз?

- Соф мухаббатга ҳеч қайси эркак кодир эмас экан. Мен ўзим излаган инсонни топаолмаганимдан, бунинг ҳеч иложи йўқлигидан ўзимни кўярга жой тополмаяпман. Мана театр ҳам тугади, жар ёқасига ҳам бир бориб, зўрга омон колдим. Ота-онам ҳам, шаҳарда қачонгача ёлғиз, дайдиб юрасан деб кўйишмаяпти.

- Агар ҳозир сизга севги изҳор қилсам ишонасизми? Бу, сизни қолишингизга дастак бўлаоладими?

- Мен, қафолат бераманки, сиз ҳеч қимни хақиқий севмагансиз. Севги изҳорини ҳам осонгина удралашингиз аниқ. Учраган қиз олдида буни бажара олишингизга аминман. Жумладан, менинг олдимда ҳам.

- Кўйсангизчи, шунақа гапларни. Агар сизни алдаётган бўлсам, авваламбор ўзимни алдаётган бўламан-ку? Шу ҳақда ҳеч ўйладингизми?

- Шифоҳона, менга жуда катта мактаб бўлди. Сиз, одамларга театр кўйиб берган бўлсангиз, мен шифоҳонада одамларни томоша қилдим. Мен томоша қилган сахна, мени қилпарчин қилди. Сиз мени ўз сафингиздан жуда тез чиқариб юбордингиз. Албатта, сизнинг ижодингизга хисса қўшмайдиган одам сиз билан ёнма-ён юролмайдиган одам, сизга мутлақо керак эмас. Буни тушунса бўлади. Лекин мен ҳали ўлганим йўқ. Ҳали, сўниб ҳам тугаганим йўқ. Энди, мухаббат масаласига келсак, мухаббат бу сиз учун, - ижод. Мен учун эса ҳаёт-мамот. Сиз қимнидир севасиз, илҳомланиб ижод қиласиз, ҳаётингиздаги изтироблар майдонида туриб кураш олиб борасиз. Мен эса ундай қилолмайман. Сиз мени эмас, менинг театрдаги қиёфамни яхши кўрардингиз. Энди эса бу қиёфа йўқ. Шундан сўнг мени севмаслигингиз аниқ бўлиб қолди. Мен энди сизга ишонмайман. Сиз яна қимнидир топасиз. Ижод давом этаверади. Ўз туйғуларингизни ўйнайсиз, ривожлантирасиз, малакали севгибозга айланасиз. Пластинка тўхтамайди: Танишув, телефон кўнгириклар, аврашлар, хушомадлар, қўққа кўтариб макташлар, севиб қолгандай кўрсатишлар, ёлгон қийноқлар, изтироблар...

- Забаржад, сизда менга нисбатан бунча нафрат қаердан пайдо бўлди? Тўғри, кўп гапларингизга қўшиламан. Лекин, сиз воқеалар ривожини тезлатиб юбораяпсиз. Сиз балки, сизга ўйланаман дейишимни қутаётгандирсиз ва бу гапни айтмаганим учун, мендан нафратланаётгандирсиз. Ишонинг, менинг сизга бўлган ишқий муносабатим самимий ва ҳеч қандай ўйин асосига қурилмаган. Шунинг яхши билинги, мен сизни севишим, сизга ўйланишим учун етарли асос бўлолмайди. Сиз ҳам мени севишингизни истамайман. Сиз ҳам мени жон-дилдан яхши кўриб қолганингиздан кейингина, мен бу таклифни айтмоқчи эдим. Айтинг-чи, сиз ҳам менга бирор маротаба ўз муносабатингизни очик-ойдин билдирдингизми? Сиз мени севишингизни бирор марта кўриб, кўнглим тўқ бўлдимми? Ахир, мен сизни, мени севинг деб мажбурлай олмаманку? Мени севмаган одамга, сизга ўйланаман деб айтаолмайман-ку. Сизнинг олдингиздаги, биттаю, битта айбим, сизга ўйланаман деб айтолмаганим, фурсат қелишини қутганим ҳолос.

Хохласангиз, яна бир бор такрорлайман: Сизни яхши кўраман.

- Бу ўша, пластинкага ёзилган гаплар. Балки жавоб беришимни ҳам кераги йўқдир. Аммо, хайрлашишда, яна айтсам айтаколай. Тўгриси, бошда танишганимизда Сиздан умидим катта эди. Менга хайрихоҳ ва севимли инсон топилганидан осмонда юрардим. Сизни, мен кўпчилик ёмонларнинг орасидан ажратиб олгандим. Хаётимдан жой бергандим. Кейин билсам, сиз ҳам ўша ёмонларнинг бири экансиз. Энди, таассуфларимнинг ниҳояси йўқ. Яхши инсонни топиш кийин экан. Гарчанд сиз бунга даъвогарлик килсангизда, яхши инсонлик даражасига назаримда ҳеч қачон эришолмайсиз.

- Забаржад, бўлди бас. Мен ҳақимда шунчалик хаёлга борган экансиз, демак, орамиздаги муносабатлар сўнггига етибди. Нима ҳам дердим. Хайр. Шунини яхши биламанки, мени бу қадар таҳкирлашингиз учун, сизда ҳеч қандай асос йўқ. Модомики, бу сўнгги суҳбатимиз экан, мен ҳам сизга очик айтиб кўяколай. Сиз, тенги йўқ гўзалсиз. Сизни яхши кўраман. Сизнинг юрагингизни, оташин калбингизни, фикру-ўйларингизни яхши кўраман. Агар сиз истаганингизда, сиз менинг туйғуларимга пешвоз чикканингизда, сиз менга калбингизни очганингизда, сиз ҳеч иккиланмай, мени ўз хаётингизга олиб кирганингизда, сизнинг бир илтифотингизга минг илтифот билан жавоб берардим. Мен бутун жону-жаҳоним билан Сизнинг измингизга тушиб кетардим. Холбуки, энди ҳаммаси тугади. Сиздан нафратланаман. Хайр!

Шохрух телефон трубкасини нафрат билан жойига қўйди. Асабий ҳолатда ҳона кеза бошлади.

\* \* \*

Сарвар Самандарович Забаржад билан танишганида дастлаб бир талантили актрисага карагандай каради. Кейинчалик, унинг гўзаллигини, латофатини, унинг аклу-фаросатини шу билан бирга у Сарвар Самандаровнинг ёрдамига мухтож эканлигини кўргач, уни ўзига ўйнаш қилиб олишни истади. Забаржад, маъшуқа бўлмаслигига кўзи етгач, унга уйланиш тараддудига тушди.

Сарвар Самандарович Забаржадни яхши кўриб қолдими, йўқми ўзи ҳам билолмас, кўрса қувониб кетар, йўқ бўлса қайгу ботқоқига чўқарди. Фақат шуниси аниқ эди-ки, қарс икки кўлдан чиқади деганларидек, Сарвар Самандарович Забаржаднинг ҳамма истакларини руҳан бажаришга тайёр, Забаржаднинг унга бўлган муносабатини эса билиб бўлмасди.

\* \* \*

Забаржад театрдан кетаролди Сарвар Самандаровичнинг қабулига кирди.

- Келинг Забаржадхон! Сизни яна театрда кўрганимдан беҳад хурсандман.

- Раҳмат! Лекин мен сиз билан ҳам, театр билан ҳам хайрлашиш учун келдим.

- Нега?!

- Мана мен ўйнайдиган ролни ҳам олиб қўйишди. Менга қасд ҳам қилишди. Бадиий Кенгашдан ҳам ўтолмадим.

- Қўйинг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Бу роль бўлмаса бошқаси. Хали ёшсиз, калтак еб-еб катта бўлиб кетасиз... Мен энди сизга ёрдам бераман.

- Канака ёрдам.

- Сиз театрнинг паст-баландини билмайсиз. Муомалани билмайсиз, мураса-ю мадора қилишга ўрганмагансиз. Колаверса, Тошкентда уй-жойингиз ҳам йўқ. Еб-ичишингиз, яхши қийинишингиз керак.

- Эвазига нима сўрайсиз...
- Мен билан бўлинг. Мен ҳамма нарсангизни килиб бераман.
- Иккинчи хотин бўлишим керакми... Ўйнаш бўлишим керакми ёки яширин ошик-маъшукми...
- Бунисини ўйлаб кўрамиз... Биз ўзимизни тақдир хукмига ташлаймиз. Кани, мухаббат тўфони бизни қай манзилларга бошлар экан.
- Буни айтиш сизга осон. Сиз нима йўкотасиз. Хеч нарса. Сизнинг оилангиз бор. Фарзандларингиз бор. Мен бадном бўлсам, кейин мени ким олади. Хатто шон-шухрат чўккисида турганимда ҳам, менга тоза кўнгил билан уйланадиган мард топиладими? Йўк. Мен болалигимда канчалик бегубор орзулар билан санъат йўлига кадам ташлаган эдим. Афсус, орзуларим сароб бўлиб чиқди. Мен буни энди тушуниб етдим ва бу сохадан кетишга қарор қилдим.
- Ўзингиз биласиз. Сиз кетганингиз билан театр хеч нарсани йўкотмайди. Ўрнингизга бошқаси келади.
- Хўп, хайр! Навбат кутиб турганларга, шу ўринни инъом қилганим бўлсин. Сарвар Самандарович Забаржаднинг катъийлигидан юраги ўртаниб кетди. Сўнгра, «Мен излаган киз мана шу» - деган қарорга келди ва уни уйигача кузатиб кўйишга аҳд қилди.

\* \* \*

Сарвар Самандарович кўча бошига етганида машинани тўхтатди. Хайрлашиш учун, машинанинг олдинги ўриндигида ўтирган Забаржадни ўпмокчи бўлди. Забаржад ўзини обқочди.

- Нега ўпишимни истамаяпсиз, Забаржад.
- Хохламайман.
- Нега?
- Хўп, ҳозир ўпасиз, кейин нима бўлади?
- Кейинини гапириб нима қиласиз?
- Нега энди келажакни ўйламаслигим керак?
- Келажакка етиш учун, бугундан ҳаракат қилиш керак.
- Сизни яхши кўришимни биласизми...
- Билмайман.
- Менга сизнинг қалбингиз ёқади. Биз иккимиз, бир одамнинг икки кўзига ўхшаймиз. Мен ҳаётимда жуда кўп одамларни кўрганман. Лекин аёллар ичида қалби юрагимга бу қадар яқин бирорта аёлни учратмаганман. Сизни учратганимдан сўнг бир пулга қиммат ҳаёт кечирганимни тушуниб етдим. Ортимга қарасам гўё хеч нарса йўқдай. Битта-ю битта фарзандим ҳам мени ташлаб қайнонасиникига кетди. Хотинимга минг ёлвордим, яна битта тугиб бер деб ялдиндим. Йиллар давомида пойи-патаги бўлдим. Битта қалишга шунча ялинганимда, менга аллақачон тугиб берарди. Аммо, йиллар давомида мен бутун жону-жаҳонимни аямаган хотиним менга бегоналик қилди. Лоакал заррача меҳри бўлганда, мени заррача яхши кўрганда, холимга ачинганидан ҳам тугиб берарди. Аммо у, бағритошлик қилди. Бошқа тугишни истамади. Ҳаётим эса созурилиб бораяпти. Агар истасангиз сизга уйланаман. Яна фарзанд кўришни истайман. Мен сизни севаман. Танимдаги ҳар бир хужайра фақат сизнинг ишқингизда оловдай гурқираб турибди. Менга бахтли ҳаёт ато этинг. Мени боши берк кўчадан олиб чиқинг. Мен, сўнги нафасимгача сизни бахтли қилиш учун яшайман.

- Сарвар ака, мен hozир бу хакда бир нарса деёлмайман. Лекин, ростини айтсам, менга театр хам, спектакллар хам керак эмас. Уйда ўтиришни, фарзандларим бўлишини истайман. Дунёда аёллик бахтидан, оналик бахтидан улугрок бахт борми? Фарзанд одамнинг шох асари бўлади. Чунки уни Худо яратади. Театрда мен асар яратганимда, образ яратганимда хам нимани яратардим. Лекин, сизнинг таклифингизга келадиган бўлсак, мен бу хакда ўйлаб кўришим керак. Ўйлашимнинг сабаби, мен сизга ишонмайман. Сиз мени яхши кўришингизни биламан. Лекин бу нарса бизнинг бахтимизга кафолат бўлолмайди.
- Сизни ишонтириш учун нима килай? Бир кўзимни ўйиб берайми?
- Ишонч кўзда эмас, юракда бўлади.
- Юрагимни сугуриб берайми?
- Кўлингиздан келмайди.
- Агар кўлимдан келмаса, шу кўлларимни синдираман.
- Кўйинг, кичкина дарддан, катта фожеа ясаманг.
- Ишонмасангиз буни исботлайман.
- Майли, яхши боринг. Бу хакда яна гаплашамиз. Ахир бугун хаётимизнинг сўнгги куни эмас-ку.

\* \* \*

Сарвар Самандарович ўша кун туни билан ухлолмади. Ўз-ўзига гапириб чиқди: «Забаржад, то сени кўргунимча, менда бундай хаёллар йўк эди. Сени илк бор кўрганимдаёқ, юрагим ток ургандай ўртаниб кетганди. Ва охир-окибатда сени бутунлай севиб коламан дея ҳеч ўйламагандим. Сен, умримнинг бахорисан. Сен хаётимнинг энг гўзал фаслисан. Мен сени ишкинга, юрагимга ханжар санчилиб, юрагим типирчилашдан хам, кимирлашдан хам махкум, чорасиз, ярадор бемор холатидаман. Нима килай, сенсиз на нафас олишга курбим етади, на сен томонга кўл чўзишга мадорим бор. Сен шундай бир юксакликдасанки, сен томонга караб, сени излаб топай десам, кўзларимнинг нури етмайди. Сенга караб сўрай десам, томогимдан сўз ўрнига жоним чикиб кетадигандай, талвасадаман. Забаржад, сени бир марта карашингга шунчалар зорман-ки, юз йил зулматда ётиб, куёшнинг чикишини юз йил кутиб, унинг чикиб келишини хам бу қадар согинч ва илҳакликда, жонсарақ кутмасам керак. Айт, нима килай? Сени кўзларингга тўйиб-тўйиб термулишим учун рухсат беришинг учун, нима килай. Сени сўзларингни, сенинг меҳрингни қозонишим учун нима килай? Менинг куёшим чикиб, ботар чоги томон тобора шиддат билан кетиб бормоқда. У хадемай уфкига ботади. Сўнгра оламини зулмат коплайди. Кейин яна куёш чиқади. Лекин у куёш менсиз чиқади. Хаёт ўз изнида давом этаверади. У ёруғ оламда эса мен бўлмайман. Менинг сенга бўлган мухаббатим эса тилларда дoston бўлиб абадул-абад яшайди. Бундай мухаббатни хали тарих кўрмаган.»

\* \* \*

Сарвар Самандарович Забаржад ўз тугилган кунини нишонламокчи эканлигини театр жамоасига берилган таклифномадан билди. Таклифнома Сарвар Самандаровичга хам алоҳида берилган бўлсада, нега Забаржад унга ўзи айтмаганлигига хайрон қолди. Ходимлардан Забаржад қаердалигини сўраган эди, ҳеч ким аниқ жавоб беролмади. Бироздан сўнг хонасига унинг ўзи телефон қилиб қолди.

- Таклифномани олдингизми?

- Ха. Нега бу ҳақда шу пайтгача индамагандингиз?
  - Тўғриси, мен тугилган кунимни нишонламокчи эмасдим.
- Умуман олганда, хали ҳам шу фикрдаман. Мен тугилган кунимда, театр билан хайрлашув кечасини ўтказмокчиман. Сўнгра, Тошкентдан бутунлай кетаман.
- Йўк. Мен бунга йўл кўймайман. Сизни энди ҳеч кимга, ҳеч қачон хўрлатмайман. Сизни кўз қорачигимдай асрайман. Театрнинг энг тўри ҳам сизники бўлади.
  - Энди кеч. Карорим қатъий. Мен кетаман. Сиз бу сўзларни менга жуда кеч айтаяпсиз.
  - Мен ахир нима дейишим мумкин эди. Сиз мени яхши кўрасизми, йўкми халигача билмайман. Хозир, бир оғиз айтинг, сизни яхши кўраман дег, хозирок олдингизга етиб бораман.
  - Энди кеч. Фойдаси йўк, Сарвар Самандарович.
  - Менга сўнгни имконни беринг. Майли, бу сўнгни учрашувимиз бўлаколсин. Лекин хўп дег.
  - Хўп, майли. Сизга сўнгни имконни бераман.
  - Унда, тугилган кунингизни, мен айтган жойда, энг зўр ресторанда киламиз.
  - Буни қармоним кўтармайди.
  - Бу менинг ҳисобимдан бўлади.
  - Сарвар Самандарович... Сиз мени севишингизни биламан.
- Лекин сизнинг оилангиз бор. Мен учун улардан воз кечолмайсиз-ку.
- Бу ҳақда кейин гаплашамиз. Бизга муҳаббатнинг ўзи йўл кўрсатади. Агар бизнинг севгимиз ҳақиқий ва мустаҳкам бўлса, энг тўғри йўл ўз-ўзидан топилади.
  - Сарвар ака, мен ўз қисматимни, келажакимни тақдир измига ташлаб қўёлмайман.
  - Сиз таклифномадаги манзилни ўзгартинг. «Silk Road Hotel» деб ёздиринг. Ва илтимос сиздан, бир оғиз айтинг. «Сизни севаман» дег. Мана шу сўз, менга барчаси учун қифоя қилади.
  - Айтолмайман.
  - Илтимос, сиздан, бир оғиз айтинг.
  - Хўп, яхши айтдим.
  - Йўк, «Сизни севаман» деб айтинг.
  - Сизни севаман Сарвар ака!
  - Мен ҳам сизни севаман.
  - Хўп, хайр. Кўнгириклашамиз.
  - Албатта.

---

\* \* \*

Забаржаднинг тугилган кунига бутун театр жамоаси, яқин дугоналари, ҳамкасб дўстлари ҳаммаси йигилган эди. Ҳашаматли ресторан стол-стуллари дид билан безатилган, ресторан ўртасида, Забаржаднинг бўйи баравар келадиган саватли гулдаста – Сарвар Самандаровичнинг совгаси тантанага алоҳида кўрк бериб турарди. Табриклар, қутловлардан сўнг, ҳамма ўйинга тушиб кетди. Сарвар Самандарович ўйинга тушмасида, Забаржаддан кўзини узмас, келган меҳмонларни ҳам, назардан қочирмас, улардан қайси бирлари Забаржадга ошиқлигини, бир-бир ҳаёлидан ўтказиб ўтирарди. Умуман олганда, мана шу тантанада бўлаётган воқеаларнинг ўзи битта спектаклга жамласа сигмайдиган воқеалар эди. Кимдир кимга муҳаббат изхор қилар, кимдир-кимдир гийбат қилар, кимдир-кимдандир ўчини олиш учун пайт пойларди.

Нихоят, тантанага келган машхур хонанда, вальсга оид кўшиқ куйлай бошлади. Сарвар Самандарович ўрнидан кўзгалиб, Забаржад сари юра бошлади. Бирок, у хали икки кадам хам ташламай, Исфандиёр иргиб турди-да, Забаржадни белидан ушлаб, ўйинга судраб кетди. Сарвар Самандарович, ортга кайтишга нокулай бўлиб, гўё сигарет чекиб келишга турган кишидай, ресторан ташкарисига чикиб кетди. Унинг кўлида тилла занжир, тилла занжирга осиглик, янги икки хонали уйнинг калити бор эди. Сарвар Самандарович, бу совгаларни Забаржаднинг бўйнига осиб кўймоқчи эди. Бирок, хали мавриди келмаган экан, на илож.

Сарвар Самандарович Исфандиёрдан жахли чикиб, анча вақт кўчада тентираб юрди. Ташкари совук эди. Изгирин шамол иссик жойдан терлаб чиккан Сарвар Самандаровичнинг этини жунжиктирар, шамол аралаш, ёмгир-кор, кўп фурсат ўтмай аъзойи-баданини какшатиб юборди.

\* \* \*

Яна аввалгидек гўзал ва мафтункор бўлиб кетган Забаржад ял-ял ёнганча, ҳар бир столдаги ўтирганлар билан кадах уриштиравериб, табрикларни қабул қилавериб ва уларнинг ҳар бири билан бир хўплам – бир хўпламдан ичавериб охири маст бўлиб қолди. Ўз столига келиб ўтираркан ширакайф ҳолатда яна кадах кўтаришларини сўради.

- Келинлар, мана шу кадахни қиска, аммо бетакрор ҳаёт учун кўтарамиз. Бир йил аввал ҳаммаси, худди мана шу ресторанда бошланган эди. Спектакль бир йил давом этди. Энди мен бу сахнани тарк этаман. Анави мени (у Шохрух ўтирган столга ишора қилди) театрга олиб келди. Мана бу ҳам, (у Мохичехрани кўрсатди) ҳасаддан юзимга қислота суртди. Мана бу эса (у Гулбаданни кўрсатди) ўйнашларини қизганиб, мени спектаклдан олиб ташлади. Мана бу эса (у Сарвар Самандаровични кўрсатди) мени театрдан хайдади. Мана бу эса (у Исфандиёрни кўрсатди) отасидай юрак хасталигига йўликмаслик учун, мендан юз ўгирди. Лекин, мен ҳаммани кечираман. Чунки ҳаёт ўзи шундай. Келинлар, қиска, аммо бетакрор мана шу ҳаёт учун кўтарамиз. Яшасин биз севган, аммо бизни севмаган ҳаёт! Сиз мени мағлуб бўлишимни истар эдингиз. Аммо мен хамиша қолиб бўлдим. Бугун эса сизнинг оёқларингиз остига хор бўлиб йикилишимни кўрасиз.

Алвидо!

Забаржад кўлидаги кадахни даст кўтарди. Бундан бир ҳавфни ва дахшатни сезган Шохрух яшин тезлигида, столларни йикитиб унга ташланди ва унинг кўлидаги захарли маргумуш солинган кадахни четга суриб юборди. Кадах ерга тушиб, чил-чил синди.

Хамма, саросима ва вахшат ичида бақириб юборди.

Шохрух Забаржадни кўчага судради. Баъзилар кетишга шайланди. Бу воқеадан беҳабарлар эса бамайлихотир еб-ичишар, тантана сеҳридан маст бўлиб, дунёни унутишганди.

Шохрух эса, бир сўз айтмас, ташкарида ёмгир-корга карамай, ҳозиргина ўлим чангалидан саклаб қолинган Забаржадни юз кўзларидан тинмай ўпар, уни бағрига босганича, ўкириб йигларди.

Сарвар Самандарович ресторанга кираркан, хамма гуррос-гуррос ўйинга тушаётганини кўрди. Лекин ўйнаётганлар орасида Забаржад йўқ эди. Бундан ҳафсаласи пир бўлган Сарвар Самандарович, ўз ўрнига бориб ўтирмоқчи эди, Мохичехра уни ўйинга тортиб қолди. Сарвар Самандаровичнинг ўйнагиси йўқ эди. Айниқса, Мохичехра билан ўйнашни истамас, у билан ўйнаса, худди ўтган кунлар, у билан бўлиб ўтган воқеалар яна

такрорланадигандай ўзини олиб коча бошлади.

- Янги ёр топилганда, эскисидан тонмок керак денг.
- Ўтган ишга саловат. У кунларни унутиб юбор.
- Биз билан яна бир ўйнашсангиз, асакангиз кетмайди, Сарвар Самандарович. Ўйнашингизни бир кўриб кўйишсин. Кани туринг, мен ҳам ўйнашимни бир кўрсатай.
- Бўлди бас. Сени ўйнашинг кимга керак.
- Юрагингизни кўп сикманг. Мен хали кўксимдан итарадиган даражада кераксиз бўлиб колганим йўк. Ишонмасангиз, юринг буёкка.
- Бўлди бас. Хозир мавриди эмас.
- Хозир айни мавриди. Биласизми, сиз кўзингизни тикиб ўтирган Забаржад хозир каерда. Юринг кўрсатай.

Сарвар Самандарович дик этиб турди-да, Мохичехрага эргашди. Унинг юраги бирдан безовта бўлиб ура бошлади. Мохичехра эса унинг кўлидан ушлаб, шиддат билан, ресторан ташкарисига юриб кетди. Сарвар Самандарович хали ўзини ўнглаб олмаган ҳам эдики, ресторан ташкарисида, бурчакда, коронгулик қаърида бир-бирининг пинжига сукулиб олган икки корани кўрди. Уларнинг бири Шохрух, бири Забаржад эди. Шохрух Забаржадни каттик кучоклаб олган, уни ютакиб ўпар, Забаржад ҳам унинг багрига сингиб кетганди.

Мохичехра Сарвар Самандаровични уларни олдигача олиб бориш учун, кўлларида зўр бериб тортар, аммо Сарвар Самандарович бир кадам ҳам ташлолмай, жойида котиб колганди. Сўнгра, Мохичехра, - Мана кўринг уларни – дея бакирди. Унинг бакирикени эшитиб, Забаржад ҳам, Шохрух ҳам ялт этиб карашди.

- Мана кўринг, сиз севган, сиз жонингизни бермокчи бўлган одамнинг киёфасини. Забаржад кел, якинрок кел. Сен ҳам бу одамнинг кўзига тик кара. Тик караганда, ростини гапир. Бу одамнинг юрагида ҳеч қачон ёнмаган мухаббат, энди бир марта ёнган эди. Мана шу мухаббатни сен хор килдинг.

Сарвар Самандарович сирт бурилиб, оёк остига карамай кадам ташлаган эди, коронгуликда чуқураликни кўрмай, юзтубан йикилди. Хамма унга караб энгашди. Сарвар Самандарович бошига теккан каттик зарбадан хушини йўкотди. Огзи-бурнига тўлиб колган ариқдаги сув, Бўзсувдаги чўкиб кетган холатини ёдига солди. У ўшанда ҳам мана шундай, сувга чўккан ва хушини йўкотган эди. У пайтда, киргок бўйида, дод солиб, ҳеч кимни ёрдамга чакирмаган, эрини чўкиб кетиши мумкинлигига ишонмаган хотини, ўгли билан турарди. Хозир эса, киргокда Забаржад ва Шохрух туришибди. Хозир Забаржад ҳам дод солмайди, бакирмайди. Сарвар Самандаровичнинг ўлиб кетиши мумкинлигига ишонмайди. Майли, ишонмаса ишонмас. Хакикатан ҳам, хали ўлмайман. Худо хохласа ўлмайман. Мен ҳам яшашим керак. Мен ўлсам, менинг догимда куйиб адо бўладиган онам учун ҳам хали яшашим керак. Мен учун, хали жонини беришга тайёр меҳридарё бир киз борлиги учун ҳам хали яшашим керак. Нега бир умр меҳрга бунчалик зор ўтаяпман. Эй, Худо мени ҳам севадиган бир инсонни рўбарў килсайдинг! Мен унга бутун жону-жахонимни бермасмидим. Ўшанда нега мени куткариб колдинг. Бир умр ўзимнинг калбимдаги ёнаётган дарёда азобланганларим етмасмиди? Ўзимнинг калбимдаги дарёга неча бор чўкканларим етмасмиди. Мен сенга нима ёмонлик килдим, Забаржад. Сен учун хамма яхшиликларни килмокчи эдим-ку. Ишон, сени соф ва бегубор мухаббат билан энди-энди сева бошлаган эдим. Агар кўлларимдан тутганингда, сен билан сен истаган мухаббат диёрига бош олиб кетардим!

Эй, хаёт! Бир умр суйганимга яраша, сен ҳам мени бир бор суйганингда эди, бир бора

шавкат килганинга эди, эй мени бир умр ўзига бегона билган, мени доимо ўз меҳридан дориг тутган, хаёт! Лекин, билиб кўй, мен сендан бир умр умидвор, яшайвераман, бир умр сендан имдод кутаман, бахт кутаман, мухаббат кутаман, эй азиз хаёт!

Сарвар Самандарович, кимлардир унинг қўлтигидан олиб, машинага миндираётганини гира-шира илгади. Томогига нимадир каттик тикилиб, нафас олишга кўймасди. Орадан анча вақт ўтиб, машинанинг каттик-каттик босилган сигналидан, бироз хушига келиб, кўзини очди. Кўзи олдида, ўзининг бахайбат темир дарвозаси намоён бўлди. Сўнгра, зулфларни шараклатиб, хотини дарвоза табакаларини оча бошлади.